

ISSN 2010-7498

KASB-HUNAR TA'LIMI

ILMIY-USLUBIY, AMALIY, MA'RIFIY JURNAL
2018, №4



OBUNA- 2019

“Kasb-hunar ta’limi” jurnaliga 2019 yil uchun obuna davom etmoqda

“Kasb-hunar ta’limi” jurnali bir yilda 4 marta nashr etiladi.

Jurnalda kasb-hunar ta’limiga oid yangiliklar, ilg‘or tajribalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, ilmiy tadqiqot va metodik tavsiyalar yoritib boriladi.

Obuna Indeksi: 1090

Jurnalga O‘zbekiston Respublikasi “O‘zbekiston pochta” va “Matbuot tarqatuvchi” Aksiyadorlik kompaniyalari tarmoqlari va to‘g‘ridan-to‘g‘ri tahririyat orqali obuna bo‘lishingiz mumkin.

Obuna bo‘lish uchun aloqa bo‘limlari va obuna shahobchalariga hamda “Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyatiga murojaat qiling.

Murojaat uchun telefonlar:

1. Tahririyat: 90-979-75-89; 94-677-90-32; 94-629-71-04.

Manzil: Toshkent shahri, Olmazor tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy

Telefon: 90-979-75-89; 94-677-90-32; 94-629-71-04

E-mail: kasbhunartalimi@mail.ru, ksbjurnal@inbox.uz

KASB-HUNAR TA'LIMI

Профессиональное образование
Professional education

Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma'rifiy jurnal
2018-yil, 4-son

Muassislar:

Kasb-hunar ta'limi markazi,
Kasb-hunar ta'limi tizimini innovatsion rivojlantirish,
pedagog kadrlarning malakasini oshirish va qayta
tayyorlash instituti

Bosh muharrir: M.XOLMUXAMEDOV
Bosh muharrir o'rinbosari: SH.QURBONOV
Ijrochi direktor: H.SIROJIDDINOV

Tahrir hay'ati:

S.X.YAKUBOV, R.X.JO'RAYEV, SH.S.SHARIPOV,
F.X.RIZAYEV, H.SH.RAXMONOV,
SH.T.ERGASHEV, O'.D.XIDIROV,
O'.S.XUDAYBERDIYEV, X.F.MASUDOV,
A.NIZAMOV, A.R.XODJABAYEV, A.A.TURG'UNOV

Jurnal 2000-yildan nashr etila boshlangan.
O'zbekiston matbuot va axborot agentligida
2007-yil 3-yanvarda qaytadan ro'yxatga olinib,
0109-raqamli guvohnoma berilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar
Mahkamasi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasi
tomonidan 2017 yil 29 avgustdagi 241/8 qarori
bilan Pedagogika fanlari bo'yicha dissertatsiyalar
yuzasidan asosiy ilmiy natijalarni chop etishga
tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Manzil: 100095, Toshkent sh., Olmazor tumani
Universitet ko'chasi, 2-uy
Tel.: 71-246-30-26; 90-979-75-89;
94-677-90-32; 94-629-71-04.
E-mail: kasbhunartalimi@mail.ru,
ksbjurnal@inbox.uz.

Nashr uchun mas'ul
H.Sirojiddinov

Sahifalovchi: A.Abrayqulov

Tahririyat fikri muallif nuqtai nazariga to'g'ri
kelmasligi mumkin.

Tahririyatga yuborilgan maqolalar egasiga
qaytarilmaydi.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Kasb-hunar ta'limi"
jurnalidan olingani izohlanishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: _____ 2018-yil. Bichimi
60x84 1/8
Bosma tabog'i 10. Adadi 325 nusxa.
Buyurtma
_____ nashriyotida tayyorlandi.

МУНДАРИЖА

Йил сарҳисоби

“Энг яхши инновация муаллифи” кўрик-танлови якунлари
хусусида2

Педагогика

Ўқувчи-ёшларни ғоявий иммунитетини шакллантириш – дол-
зарб педагогик муаммо сифатида8

Махсус фанларни ўқитиш орқали бўлажак касб таълими ўқи-
тувчиларини касбий компетентлигини ривожлантириш13

Таълим жараёни самарадорлигини ошириш ва фанлар инте-
грациясини таъминлашда креативликнинг аҳамияти17

Олий таълимда ихтисослик ва мутахассислик фанлар узвий-
лиги ва интеграциясини таъминлаш муаммолари21

Умумтехника фанларидан ўқув адабиётлари янги авлодини
яратиш технологияларини такомиллаштириш (“Техник меха-
ника” ва “Материаллар қаршилиги” фанлари мисолида)25

Методика

Инновационные уроки – как форма повышения познаватель-
ного интереса учащихся31

Лингвокультурология как новое направление в системе пре-
подавания иностранного языка35

Организационные формы учебных дискуссий при обучении
иностранному языку39

Ахборот технологиялари

Махсус фанларни ўқитишда электрон таълим ресурсларини
яратиш ва улاردан фойдаланиш43

Электрон таълим ресурсларининг янги авлоди таълим сифа-
тини ошириш воситаси сифатида48

Малака ошириш тизимида инновацион таълим муҳитида
электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш54

Инновацион таълим

Таълимда инновация57

Адабиётлар таҳлили

“Материаллар қаршилиги” ва “техник механика” фанларидан
яратилган янги авлод дарсликлари сифати ва самарадорлиги-
ни баҳолаш60

Тажриба майдони

“Ҳайвон организмининг органлар системасини ўрганиш” мав-
зуси бўйича ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси68

Зулфияхоним издошлари75

“ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИЯ МУАЛЛИФИ” кўрик-танлови якунлари хусусида

“Инновация бўлмас экан, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз”.
Ш.МИРЗИЁЕВ



Таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари – замонавий давлатнинг изчил ва барқарор тараққиёти, авваламбор, унинг иқтисодий ривожланиши йўлидаги муаммоларни ечиш билан бевосита боғлиқдир. Кенг кўламли ислохотларнинг муҳим бўғини – инновациялар ҳам бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўзининг афзалликларини намойиш қилмоқда.

Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шакланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади, шунингдек, таълим тизими ривожига ижо-

бий таъсир кўрсатади.

Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охирги натижадир. Айниқса, таълим тизимида ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсади, кутилаётган натижани аниқ белгилаш, таълим методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаш, ўқувчи ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни реал мезонларини олдиндан ишлаб

чиқиш, машғулотга ажратилган вақт ичида уларни самарали амалга ошириш ва бир-бири билан уйғунлашувига эътиборни қаратиш бугунги педагоглар олдида қўйилган муҳим вазифадир. Шу боис ҳам, касб-хунар таълимини инновацион ривожлантириш, инновацион технологияларни таълим тизимида фаол қўллашнинг янги тенденцияларини таълим жараёнига татбиқ этиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда касб-хунар таълими тизими ўқитувчилари ўртасида “Энг яхши инновация муаллифи” кўрик-танлови эълон қилинди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган касб-хунар коллежлари ўқитувчилари фаол иштирок этишди. Ҳудудий босқичларда энг яхши деб топилган инновациялар республика танловига тақдим этилди.

Танловнинг республика босқичида иштирокчилар ўзларининг инновацион ғояларини намойиш этиб, ундан кути-

лаётган натижалар ҳақида батафсил баён этишди.

Ҳозирги кунда табиатнинг кескин ўзгариши замирида инсон ва унинг жамиятини атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш, илмий асосланган замонавий фикрлашни, янги дунёқарашни шакллантириш орқали барқарор ривожланишни таъминлаш турли халқаро форумларда кўриб чиқилиб, экологик таълим соҳасида “глобал фикрлаш” кераклиги таъкидланмоқда. Ушбу долзарб масала юзасидан бугунги кунда давлат органлари, ижодий гуруҳлар томонидан аҳолининг кенг қатламларининг экологик таълим ва тарбиясини ошириш бўйича турли дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Ушбу дастурларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад инсон ва унинг жамиятини табиатга бўлган муносабатини, дунёқарашини кенгайтириб, барқарор ривожланишга эришиш. Фарғона нефт ва газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси Латипова Мухайё Ибрагимжановнанинг танловга тақдим эт-



ган “Аҳолининг экологик таълими ва маданиятини ошириш” мавзусидаги лойиҳаси ана шу муаммога бағишланган.

М.Латипова ўз лойиҳасида атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар тўғрисидаги маълумотларни замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб тўплаш, саноат корхоналаридан чиқаётган чиқиндиларни камайтириш бўйича тавсиялар, аҳоли билан ишлаш учун инновацион педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан амалий инновацион ишланмаси тақдим этган. М.Латипова “Аҳолининг экологик таълими ва маданиятини ошириш” мавзусидаги инновацион ишланмаси “Экология соҳасида энг яхши инновацион ишланма” номинацияси бўйича ғолиб деб топилиб, танлов ташкилотчилари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълими марказининг дипломи ҳамда китоблар жамланмаси билан тақдирланди.

Бухоро нефт ва газ саноати касб-хунар коллежининг Ахборот технологиялари фани ўқитувчиси Сиддиқова Садоқат Ғаффоровна кўрик-танловда “Нефт ва газни қайта ишлаш технологиялари бўйича электрон таълим ресурслари-таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясида инновацион ёндашув” мавзусидаги лойиҳаси билан иштирок этди. Лойиҳа доирасида С.Сиддиқова “Нефт ва газни қайта ишлаш технологияси” ҳамда “Нефт ва газни қайта ишлаш жараёнлари ва жиҳозлари” фанларидан яратган янги Электрон таълим ресурсларини тақдим этди.

С.Сиддиқова яратган Электрон таълим ресурсида 14 та видеодарс, 12 та видеоинструктор, нефт ва газ саноатига оид луғат, нефт ва газни қайта ишлаш технологиялари бўйича зарурий адабиётлар рўйхати, олинган билимларни назорат қилиш учун тестлар тўплами, мавзулар бўйича тўлиқ маъруза матнлари жамланган. Мазкур инновация ҳам ташкилотчи ва иштирокчилар томонидан зўр қизиқиш билан қабул қилинди.



С.Ф.Сиддиқова

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев бежиз нефт ва газ саноатининг йирик ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз саноатининг локомотивлари, деб таъкидламадилар. Шу маънода С.Сиддиқова муаллифлигидаги бу ғоя ҳам долзарб ва муҳим ҳисобланади. Мазкур инновация ҳам тадбир ташкилотчилари томонидан юқори баҳоланиб махсус диплом ва китоблар жамланмаси билан тақдирланди. Шунингдек, С.Сиддиқова томонидан нефт ва газ соҳасига оид атамаларнинг таржимаси ва изоҳини ўз ичига олган русча-ўзбекча-инглизча изоҳли луғати тайёрланаётганлиги барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Тақдимотнинг амалий жиҳатдан муҳимлигини эътиборга олиб, С.Сиддиқованинг лойиҳа асосида яратган электрон ресурслари www.kasb-hunar.uz - онлайн касб ўрганиш миллий тизимида жойлаштирилди.

Автомобиллар тузилиши йўналиши бўйича электрон қўлланма муаллифи Шакарова Феруза Михлибаевна

Самарқанд Автомобилсозлик касб-ҳунар коллежининг информатика фан ўқитувчиси. Ф.Шакарова томонидан яратилган ва “Автомобилсозлик соҳасида энг яхши инновацион ишланма” номинацияси бўйича иштирок этган “Электрон дарслик” ҳам ташкилотчи ва иштирокчилар томонидан алоҳида эътироф этилди. Мазкур электрон дарслик талабаларнинг мустақил билим эгаллашига ёрдам бериши, касбий-мутахассислик билимлар даражасини ошириши, назарий билимларни амалий тасаввур эта олиши, автомобил соҳаси бўйича луғавий билимини ошириши, ўз билимини электрон тест ёрдамида текшириш мумкинлиги имкониятини беришига юқори баҳо берилди. Шунингдек, электрон дарсликнинг фойдаланишда оддийлиги ва қулайлиги, таълим жараёнини автоматлаштириш ва тезликни ошириш, ўқув материалларни визуаллаштириш, мотивацияни кучайтириш, билимларни мустақил эгаллаш ва эгаллаган билимларни текшириш имкониятига мавжудлиги ва



пировардида таълим самарадорлигини ошириши каби афзалликлари эга эканлиги эътиборга олиниб, мазкур лойиҳа муаллифи Ф.Шакарова ҳам танлов ғолиби, деб топилди ва у Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Касб-ҳунар таълими марказининг дипломи ва микротўлқинли печь билан тақдирланди.

Технологик жараёнлар шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда юртимиздаги барча униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол, соғлом, ақлан ва жисмонан етук инсон бўлиб вояга етишида уларнинг кунлик рационига кимёвий моддаларсиз, минерал моддалар билан бойитилган, дармондориларга ва оқсил-углеводларга бой экологик тоза қандолат маҳсулотларини киритиш долзарб масала ҳисобланади.

Тошкент вилояти Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси Мирахмедова Сожида Мирзатиллаевнанинг бу борадаги ишланмаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Лойиҳада қуйидаги мақсадлар илгари сурилган:

- йирик корхоналарда, кичик цехларда ва уй шароитида кимёвий моддалар аралашмаган масалликлардан бола саломатлигига хавф туғдирмайдиган ширинликлар тайёрлаш;

- ёш болалар ва ўсмирларнинг ақлан ва жисмонан соғлом инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш, болалар ва ўсмирларда учрайдиган турли хил тери таносил, ичак касалликлари, диарея, ошқозон касалликларининг олдини олиш;

- оқсил, углевод, микро ва макро элементларга, темир ва кальцийга бой маҳсулотлар яратиш;

- болалар ва ўсмирларда учрайдиган турли хил тери таносил, ичак касалликларини, диарея, ошқозон касалликларининг олдини олиш;

- бир хил турдаги ҳамирдан камида олти хил турдаги ширинликларни яратиш ва оила даромадини тежаш.

Кимёвий моддаларсиз қандолат маҳсулотлари тайёрлашнинг инновацион усулини яратган С.Мирахмедованинг бу ишланмаси “Хизматлар соҳасида энг яхши инновацион ишланма”



С.М.Мирахмедова

номинацияси бўйича ғолиб деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Касб-ҳунар таълими марказининг дипломи ва микротўлқинли печь билан тақдирланди.

Танловнинг республика босқичини ўтказиш жараёни ҳамда Касб-ҳунар таълимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрлар малакасини оши-

риш ва уларни қайта тайёрлаш институтида ташкил этилган Инновацион марказда инновацион муҳит яратишда алоҳида жонбозлик кўрсатгани учун Тошкент коммунал қурилиш касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси Казмирчук Андрей Александрович тадбир ташкилотчилари томонидан махсус Фахрий ёрлик ҳамда телевизор билан тақдирланди.



Ғолибларни тақдирлашга бағишлаб ташкил этилган тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири ўринбосари Назаров Азимжон Соатмурод ўғли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Касб-ҳунар таълими маркази директори М.Холму-

хамедовлар ғолибларнинг келгуси инновацион фаолиятларида янги зафарлар тилаб, тадбир ташкилотчилари уларни ҳамisha қўллаб-қувватлашлари, лойиҳаларни амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этишларида амалий кўмакчи бўлишларини таъкидлашди.

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ДОЛЗАРБ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Г.МАРДИЕВА

МТМРМҚТМОИ “Таълим дастурларини яратиш ва меъёрий-услубий
хужжатлар ишлаб чиқиш” бўлими бошлиғи,

М. УМАРОВ

МТМРМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада ўқувчи-ёшларни ғоявий иммунитетини шакллантириш жараёни долзарб педагогик муаммо сифатида назарий таҳлил этилган. Энг муҳим вазифалардан бири ёшларни ёт таъсирлардан асраш, ғоявий иммунитетини шакллантириш, маънавий-мафкуравий, таълим-тарбиявий ишларни кенгайтиришга оид масалалар ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: тарбия, ижтимоийлашув, ғоявий тарбия, мафкуравий иммунитет, сиёсий тарбия, тарбия технологиялари, технологик ёндашув, маънавият, масъулият, маънавий таҳдид, ғоявий тарбия, ижтимоий фаоллик.

Аннотация. В этой статье процесс формирования идеологического иммунитета студентов был проанализирован как актуальная педагогическая проблема. Одной из важнейших задач является защита молодёжи от внешнего влияния, формирование их идеологического иммунитета, расширение духовно-идеологической, образовательной деятельности.

Ключевые слова: воспитание, социализация, социальное воспитание, технология воспитания, технологический подход, культура, ответственность, духовная угроза, моральное воспитание, социальная активность.

Annotation. In this article, the process of forming the ideological immunity of students was analyzed as an actual pedagogical problem. One of the most important tasks is the protection of young people from external influence, the formation of their ideological immunity, the expansion of spiritual, ideological, educational activities.

Key words: education, socialization, social education, technology education, technological approach, culture, responsibility, spiritual threat, moral education, social activity.

Мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётида ёшларнинг ўрни беқиёсдир. Давлатимизнинг тараққиёти, халқимизнинг фаровонлиги ва келажаги ёшларнинг шижоатию билими, маънавий баркамоллиги ва фаоллиги, меҳнатсеварлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ёшлар доим жамиятнинг фаол қисми бўлиб келган. Ижтимоий адолат ва тараққиёт ғоялари ёшларни келажакка ундаган. Мустақиллик даврида кундан-кунга улғаяётган авлоднинг муаммоларини ўрганиш ва шу асосда уларнинг

ечимини топиш эҳтиёжи тобора ортмоқда.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамыз. Нафақат давом эттирамыз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак интеллеktуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун

давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”- деб таъкидлаб ўтганлар.¹

Бугунги кунда **“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!”** деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати қуйидаги қоидаларга асосланади:

- миллати, ирки, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш;
- ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш;
- миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаси;
- ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўллари эркин танлаб олишларига кафолат бериш;
- жамиятни ривожлантиришга, айниқса, республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этиши;

- ҳуқуқ ва бурчларнинг эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг бирлиги”.²

Юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатдан кўришиб турибдики, юртимизда ёшларга оид сиёсат кеча, бугун ва эртадан иборат яхлит бир ҳодисани қамраб олишга, шу аснода, навқирон авлод тарбиясини ташкил этишга қаратилгандир. Қонунда анъана ва замонавийликнинг уйғунлиги таъминланиши “ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш; миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаси” тарзида белгилаб қўйилган.³

Ўтган вақт давомида бу борада олиб борилган ишларнинг салмоғи, кўлами, энг муҳими, ижобий натижалари юқорида қайд этилган ҳужжатни нақадар тарихий аҳамият касб этганидан далолат, албатта.

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши, давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятлари тикланишига, ўзини бошқа халқлар оиласидаги тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига кенг имкон яратмоқда. Тобора кенгайиб бораётган халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратмоқдаки, бу ўз навбатида ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдод ривожланишига, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларни ва компьютер технологияларини тез ўрганиб олиш каби иқтидорининг рўёбга чиқишига, хориж мамлакатларга бориш, улар билан алоқалар ўрнатиш, дунё стандартлари бўйича олий ўқув юртларида таҳсил олиш имконини берди.

2 Ўзбекистон Республикасининг Қонуни., “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”. 20.11.1991 й., №429-ХII.

3 Ўзбекистон Республикасининг Қонуни., “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”. 20.11.1991 й., №429-ХII.

1 Шавкат Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” Тошкент-“Ўзбекистон” - 2016.

Буюк давлат арбоби И. А. Каримов “Биз фарзандларимизни миллий табиати-мизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга даҳлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим.

Ёшларимиз қалбида соғлом ҳаёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур”⁴ деган фикри ёшларнинг ғоявий иммунитетини шакллантиришнинг йўллари, тамойиллари, мезонларини аниқлаб олишда, тўғри ёндашув учун муҳимдир.

Бугун халқлар ва миллатлар учун миллий мафкура ҳаётий эҳтиёж эканлигини бир неча минг йиллик инсоният тарихи исботлаб келмоқда. Миллий мафкура элатни, халқни, миллатни, Ватанни ёт эллар хуружидан, ёт мафкура таъсиридан сақловчи, элни, халқни, мамлакатни жипслаштирувчи, буюк келажакка ҳам ундовчи, ҳам бошқарувчи ниҳоятда катта кучдир. Мафкураси тўғри шаклланган шахсни ҳеч қачон халқига, Ватанига қарши ҳаракатга ундаб бўлмайдди. Инсоният тарихи, бадиий ва маънавий-руҳий кечмиши акс эттирилган эртагу дostonлар, халқ қахрамонларининг ҳаёти, фаолияти акс эттирилган бутун асарлар буни исботлаб келмоқда.

“Мафкура – ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукумронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замона-

4 И.Каримов. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.

миздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас”⁵.

Энг муҳим вазифалардан бири ёшларни ёт таъсирлардан асраш, ғоявий иммунитетини шакллантириш, маънавий-мафкуравий, таълим-тарбиявий ишларни кенгайтириш, ўқувчи-ёшларда Ватанига, халқига, миллий истиқлол ғоясига садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдир. Ёшлар онгини бойитиш, юксалтириш, инсонийлик руҳида, умумжаҳоний меъёрлар асосида тарбиялаш ғоявий таълим-тарбиянинг асосий вазифаларидан бирига айланмоқда.

Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган кучли, теран фикр. У инсон онгининг маҳсулидир.⁶

Иммунитет – (лотинча *immunitas* – бирон нарсадан халос бўлиш, қутулиш) – организмнинг доимий ички барқарорлигини сақлаши, ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб қолишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуаси.⁷

Ғоявий иммунитет тизими маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакция, бузғунчи характердаги ғоявий тажовузларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қўл келади.

Демак, очик ахборотлар таҳдиди шароитида ёшларни тўғри яшашга, ватанпарвар ва инсонпарвар бўлишга, эркин фикрли бўлишга ўргатиш орқали уларда ғоявий иммунитетни тарбиялаш энг долзарб ва-

5 Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – “Шарк”, Тошкент.: 1999 й.32 бет

6 Фалсафа: комусий луғат. (Тузувчи ва масъул муҳарир Қ.Назаров). –Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2004.-484 б.

7 Фалсафа: комусий луғат. (Тузувчи ва масъул муҳарир Қ.Назаров). –Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2004.-160 б.

зифалардир. Зеро, ўргатиш бир томонлама жараён бўлмай, у «педагог-тарбияланувчи» мулоқоти тизимида кўпроқ тарбияланувчининг фазилатларига боғлиқ. Бундай мураккаб ишни ташкил этишда ҳар бир ижтимоий тоифа ёки шахсининг индивидуал психологик хусусиятларини инобатга олиш зарурати ижтимоий психологияда исботланган. Масалан, агар талабаларни яхлит гуруҳ деб оладиган бўлсак, уларнинг барчаси билан бир вақтда, бир хил эффект билан ишлаш ва шу орқали уларнинг мустақил тафаккурини ўстириш, соғлом эътиқодини тарбиялашнинг иложиси йўқ. Иккинчидан, бир гуруҳ талаба ёки ўқувчи учун мақбул ва самарали деб ҳисобланган услубни бошқасида ҳам айнан жорий этишга уриниш бундай шароитларда тескари самара бериши мумкин.

Демак, бугун таълим муассасаларида таълим олаётган, лекин минг афсуски, ўз мустақил фикрига эга бўлмаганлар билан ишлашда қуйидагиларга эътиборни қаратиш даркор:

- хулқ-атвордаги хатоликлар энг аввало фикрлаш тарзидаги хатоликларнинг оқибати бўлгани учун талабаларнинг негатив фикрлаш тарзининг схемасини ўзгартириш лозим.

- фикрлаш тарзига таъсир кўрсатиш учун педагоглар ўзларининг тушунтириш услубларини, тарбия методларини ўзгартиришлари лозим. Яъни, илгари, юқори тонларда, директив оҳангда, “катта роли”да талаба билан мулоқот қилган педагог, энди керак бўлса, “тенгма-тенг”, демократик оҳангда, босқичма-босқич хатти-ҳаракатларни биргаликда таҳлил этишга ўтишлари лозим.

- ўқувчи-талабаниннг ўз-ўзини идрок қилишини, ўзига бўлган баҳосини ўзгартириш, яъни, талабани ижобий ишларга йўналтириш орқали ўзига бўлган баҳосини ўзгартиришга эришиш керак.

Ниҳоят, шундай вазият яратиш лозимки, ўқувчи ижобий тажриба орттирсин, яъни, ўзига, оиласига ёки синфдош дўстларига, мактабига манфаатли иш қилиб, олқиш олсин, яъни, уларни жамоат ишларига кенг жалб этиш амалиётини кенгайтириш, бу ишдан манфаатдорлигини ошириш лозим.

Жамият, давлат ёки халқнинг мафкураравий масалаларда уюшмагани, маънавиятга етарли эътибор бермагани, тарбия соҳасида ўзибўларчиликка йўл қўйилгани натижасида содир бўладиган ғоявий ожизлик ҳолати бу ғоявий заифликдир.

Ғоявий заифлик халқ оммасининг туб манфаатларини ва кўнглидаги орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жипслаштирадиган ҳаққоний ва жозибали ғоянинг, мафкураининг йўқлиги, ишлаб чиқилмаганлиги натижасида ҳосил бўлади. У қўп ҳолларда маънавий беқарорлик ва парокандаликка олиб келади.

“Ғоявий заифлик ва мафкураравий беқарорлик миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказди, унинг тараққиётини орқага суриб юборди. Масалан, Чингизхон босқини, чор истилоси даврларида айрим ҳукмдорларнинг халқни бирлаштириб, курашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлди”.

Ғоявий иммунитет тизимининг асосий қисмлари қуйидагилардан иборат:

1) воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттирувчи, инсон маънавиятининг бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи билимлар;

2) шундай билимлар замирида шаклландиган ва мафкураравий тажовузлар қаршида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилувчи кадрятлар тизими;

3) ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўл-

жал ва мақсадлар.⁸

Инсон узлуксиз равишда рухий, маърифий озуқа олиб турмаса, унинг маънавий қашшоқланиши табиий. Демак, жамиятнинг таракқий этиши учун халқнинг ғоявий жиҳатдан саводхонлигини ошириш, бу борада муттасил таълим-тарбия ишларини олиб бориш лозим.

Ҳар бир инсон ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шундай фикрларни униб ўсиб келаётган ёшларнинг онгига сингдириш, уларни ҳаёт синовларига бардошли этиб тайёрлаш бизнинг ота-она, устоз-мураббий, раҳбар-раҳнамо сифатидаги, шу муқаддас юрт фуқароси сифатидаги муқаддас бурчимиздир.

Бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиқ бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлашда тарбия технологиялари асосида тарбиявий жараённи ташкил этишни давр талаб этмоқда.

Фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган,

иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугаларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда муҳим вазифамизга айланиб бораётганини чуқур тушуниб олишимиз зарур.

Биринчидан, мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига этиши ва унга нисбатан адекват реакция кўрсатиши, ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин.

Иккинчидан, ёшлар турли ёт ва бемаза ахборот хуружларига берилмаслиги учун биз уларда миллий ғурурни тинимсиз тарбиялашимиз ва бунда ҳар бир фан предмети ва тарбиявий мулоқотлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Миллий ғурури бор инсон бошқаларга қул бўлмайди, ахборот хуружларига тобе бўлмайди.

Учинчидан, миллий ғурури бор инсонда имон, инсоф ва диёнат тушунчаларини шакллантириш мумкин. Чунки инсон қалби билан боғлиқ бу қадриятлар Интернет ва очиқ ахборотлар оламида ёшларни адаштирмайди.

⁸ Фалсафа: комусий дугат. (Тузувчи ва масъул муҳарир Қ.Назаров). –Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004.- 484 б.

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

С.Ю.АШУРОВА

КХТТИРПКМОУҚТИ доценти,

Н.Н.КАРИМОВА

КХТТИРПКМОУҚТИ педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Ушбу мақола компетентлик тушунчаси мазмуни ҳамда бўлжак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда махсус фанларини самарали ўқитиш масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: компетенция, касбий компетентлик, мотивация, махсус фан.

Аннотация. Данная статья посвящена проблемам сущности понятие компетентности и роли специальных дисциплин в формировании профессиональной компетентности будущих преподавателей профессионального образования.

Ключевые слова: компетенция, профессиональная компетентность, мотивация, специальные дисциплины.

Annotation. Given article is dedicated to problem of essence notion competency and role of special discipline in shaping professional competency future teachers of the vocational training.

Key words: competency, professional competency, motivation, special disciplines.

Кейинги пайтларда, педагогика соҳасига бутунлай янги “компетенция” тушунчаси кириб келди. У адабиётларда, олимларнинг илмий ишларида чиқишларида ва матбуотда тез-тез кўзга ташланмокда.

Педагогик адабиётларда аллақачон “компетенция” ва “компетентлик” атама-лари мунтазам қўлланила бошлади. Албатта, бу атама ва тушунчаларнинг кенг қўламда ишлатилиши бежиз эмас. Зеро, таълим-тарбия тизимининг тубдан янгиланиши ўқитувчи ва битирувчиларнинг компетенция даражасига боғлиқ.

Ўқитувчининг касбий шаклланиши унинг ўқув-педагогик вазиятларда ақлий, предметли-амалий ва мотивацион омиллар билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларнинг ифодаланиши билан ёрқин намоён бўлади. Шу билан бирга ушбу омиллар

кўплаб умумий жиҳатларга ҳам эга. Бу соҳадаги махсус изланишларнинг натижалари кўрсатганидек, касбий фаолиятга таълим олувчиларнинг компетентлиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Шунингдек, авваллари мутахассиснинг билим, кўникма ва малакаси даражасига қараб баҳо берилган бўлса, ҳозирда унинг компетентлик даражаси муҳим ўрин тутаяди ва бу Давлат таълим стандартларида ҳам ўз аксини топмокда. ДТСда компетентликка қуйидагича таъриф берилади:

Компетентлик – шахснинг муайян таълим йўналиши ёки мутахассислиги бўйича олган билим, малака ва кўникмалари ҳамда шаклланган шахсий хислатларини меҳнат фаолиятида муваффақиятли қўллай олиш қобилиятидир.

“Компетентлик” тушунчаси шахснинг доимо ўсиб боровчи таснифи бўлиб,

реал ҳаётӣй вазиятларда юзага келган муаммоларни ечиш қобилияти, ўз билими, малака ва кўникмалари, ўқув ва ҳаётӣй тажрибалари, кадриятлари ва қизиқишларини унга сафарбар этиш имкониятлари ҳисобланади.

Психологик-педагогик адабиётларда ўтган асрнинг 90 йилларида асосан “касбий компетентлик”, “педагогнинг касбий компетентлиги”га кенг эътибор қаратилди. Тадқиқотчиларнинг ишларида касбий компетентлик мазмун-моҳияти билан унинг тузилиши масалалари тўғрисидаги фикрлар ўзаро тафовутга эга эди ва бундан “компетентлик”ни турлича изоҳлаш ҳоллари юзага келганини кўриш мумкин:

- мустақил равишда ва масъулият сезиш имконини берувчи руҳий ҳолат;
- маълум бир меҳнат функциясини бажарувчи қобилият;
- “малака”, “маҳорат” каби инсон кўникмалари (А.К.Макарова);
- касбий маълумотлилиқ даражаси;
- инсоннинг тажрибаси ва индивидуал қобилияти, унинг ўз билими ва малакасини ошириб боришга интилиши, унинг ишга ижодий ёндашуви ва ўз ишига масъулияти (Б.С.Гершунский);
- педагогик маданият ва малакасини ошириб бориш заҳираси (Е.Б.Бондаревская);
- мураккаб таълим, бунда бир қатор билимлар, маҳорат, ўзига хослик ва шахснинг ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишдаги самарадорлик, турли-туман ва қулай ёндаша олиши имконияти (В.А.Ситаров);
- мураккаб маънавий тажрибаси, маълумотининг ижтимоий йўналтирилганлиги, инсоннинг маълум бир мақсад йўлидаги амалий фаолияти натижалари;

- ўзининг махсус профессионал билимларини ҳаётда самарали қўллаши каби шахснинг ўзига хос сифатлари ва компетенциясидир. (Л.Н.Пономарев)

Компетентлик доимо ўсиб борувчи динамик ҳодисадир, малака ошириш ва ўз устида ишлаш жараёнининг натижаси ҳисобланади. Билим ва маҳорат, ҳатто ижобий йўналиш ҳам вақт ўтиши билан эскириб қолади, жамиятнинг замонавий талабларига, янги технологияларга мос келмаслиги мумкин. Жамият ҳам, одамлар, муаммолар ҳам ўзгариб бормоқда. Демак, бу вазифаларни ечиш учун ёндашув ва методларни ҳам ўзгартириш талаб этилади.

Компетенция ўз билимларини тинмай бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, шу кун ва давр талабларини ҳис этишни, янги билимларни излаб топиш маҳоратини, уларни қайта ишлашни ҳамда ўз амалий фаолиятида қўллашни талаб қилади. Компетенция эгаси бўлган мутахассис муаммоларни ечишда ўзи ўзлаштириб олган, айнан шу шароитга мос метод ва йўллардан фойдаланишни яхши билиши, ҳозирги вазиятга муносиб бўлган методларни танлаб олиб қўллаши, тўғри келмайдиганларини рад этиши, масалага танқидий кўз билан қараши каби кўникмаларга эга бўлади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантиришда махсус фанлардан қай даражада сифатли таълим берилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Махсус фанлар эгаланиши лозим бўлган касбни ўрганишнинг асосини ташкил этади ва шу касбга оид компетенцияларни ўз ичига олади.

Махсус фанлар блокининг асосий вазифаларидан бири аниқ бир касб бўйича техникалар ёки технологик жараёнлар бўйича таълим олувчиларда касбий

жиҳатдан шаклланиши керак бўлган кўникма ва асосини ташкил этувчи билимлар мажмуасини ҳосил қилишдан иборат. Мазкур фан блокининг асосий мақсади тайёрланадиган мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг ядросини ташкил этиб, улар бўлажак мутахассисларнинг амалий фаолиятга бемалол кириб боришига шароит яратишдан иборатдир. Бунда ушбу блокка кирувчи фанлар мазмуни, ўқитиш мақсади ва вазифалари, методлари, шакллари, воситалари, ташкиллаштирилиши, ўтказилиш жойи, жиҳозланиши, ажратилган вақти билан бошқа фанлар блокларидан ва умумтаълим фанларидан фарқи бўлади, чунки бу блок бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда муҳимдир. Шу сабабли бўлажак мутахассисларни тайёрлашда доимо ушбу соҳага тегишли моддий – техника база, ўқув – ахборотли таъминот ва касбий етук ўқитувчилар билан таъминлаш касб-хунар таълимда устивор вазифадир.

Махсус фанлар блокига кирувчи фанларни ўқитишда назария ва амалиёт бирлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам махсус фанлардан ўқув – услубий мажмуаларни яратишда уларга оид ўқув – ахборотли – услубий мажмуа ва мультимедиа таълим технологияларини жорий этишни эътиборга олиш лозим. Касбий таълимида амалий билимлар, кўникмалар ва малакалар назарий билимлардан кам эмас ва албатта улардан кўзланган мақсад бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг самарали йўлларини яратиш ва жорий этишдан иборатдир. Бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятида уларнинг касбий компетентлиги жуда кўл келади.

Касбий компетентлик – бу шундай даражаки, у асосан касбий, маълум бир

касб-корга йўналтирилган таълимни акс эттиради. Инсоннинг индивидуал қобилиятлари ва тажрибасини умумлаштириб, бетўхтов билим олишга, ўз-ўзини такомиллаштиришга, малака оширишга, назарий ва амалий билимларни бевосита амалиётда қўллай олишга, янги техника ва технологиялардан бохабар бўлиш билан бирга уларни амалиётга тадбиқ эта олишга, ишга ижодий ва масъулиятли ёндашишга сафарбар қилади ва касбий компетентлигини ривожлантириб боради.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида «Касб таълими йўналиши» бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари ишлаб чиқилган. Шунинг таъкидлаш лозимки, ҳар қандай йўналишдаги касб-хунар коллежлари учун тайёрланадиган педагогик кадрлар махсус фанлардан касбий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим.

Демак, касб таълими ўқитувчилари таълим олувчиларга янги техника ва технология ютуқларидан ахборотлар берувчи асосий шахс ҳисобланади. Улар ҳар томонлама билимдон, ўз касбига нисбатан иқтидорли, касбий компетентлиги шаклланган шахс бўлиши зарур. Бунинг учун бўлажак касб таълими ўқитувчиси олий ўқув юртида ўқиш даврида “Умум-касбий фанлар” ва “Махсус фанлар” дан чуқур билимларни эгаллаши, уларни ўз фаолиятида қўллай олиши керак. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда махсус фанларидан замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб илмий ёндошилган ҳолда билим бериш тақозо қилинади, чунки касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлиги кўпроқ махсус фанларида бериладиган билимлар орқали шаклланади ва ривожланиб боради. Шу нуқтаи назардан махсус фанлари-

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДА КРЕАТИВЛИКНИНГАҲАМИЯТИ

М.Ж.ТУРДИЕВА

Бухоро муҳандислик-технология институти “Касбий таълим” кафедраси
ассистенти

Аннотация. Ҳозирги даврда ёшларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш, мустақил фикр юритиш имкониятларини шакллантириш, ёшларни касбни тўғри танлашга ўргатиш ва фанлар интеграциясини таъминлаш муаммоси Ўзбекистон Республикаси таълим тизими олдида турган долзарб масалалардандир. Ушбу мақолада таълим муҳитида креатив сифатларни ривожлантириш борасида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: креативлик, интеллект, интеграция, ижодкорлик, мустақил фикрлаш, амалий ҳаракатлар, билим, малака, кўникма, қобилият, креатив муҳит.

Аннотация. .

Ключевые слова: .

Annotation. Teaching youth to think independently and creatively as well as to choose right job creatively, developing independent thinking skills are one of the most problematic topics behind the Education system of the Republic of Uzbekistan nowadays. In this article ideas about increasing creative qualities in educational sphere are discussed.

Key words: creativity, intelligence, integration, independent thinking, practical actions, knowledge, skills, experience, ability, creative atmosphere.

Жаҳонда шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган ахборот-таълим муҳитини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида таълим олувчиларнинг фаоллиги, ижодкорлиги, тадқиқотчилик фаолиятига йўналтирилган педагогик экспериментларни лойиҳалаш, ташкил этиш ва ўтказишнинг замонавий шакл ва методларидан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, касбий таълим сифати бўйича “Европа Кенгаши мамлакатларининг 2020 йилга қадар мутахассис кадрларни касбий тайёрлаш соҳасидаги Ҳамкорлик стратегияси”да тадқиқотчилик элементларини ҳамкорликда ўқитиш технологиялари билан интеграциялаш масалалари тадқиқ этилмоқда.

Жаҳон миқёсида тадқиқот йўналишлари ва вазифаларини танлашда инновацион ёндашувлар, умуммуҳандислик ва умумил-

мий билимлар тизимини шакллантириш, техник лойиҳалаш, ташкилий-функционал ўқитиш Концепциясини (Design Based Learning Conception) ижодий-яратувчанлик ва тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш жараёнида жорий этиш орқали талабаларнинг интегративлик ва рақобатдошлилик каби касбий муҳим сифатларнинг назарий ва амалий жиҳатларини шакллантириш имконияти мавжуд. Шу нуқтаи назардан техник олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг тадқиқотчиликка тайёргарлик (репродуктив, вариатив, қисман-изланувчан, изланувчан-креатив) даражаларини шакллантириш илмий фаолиятнинг фундаментал ва амалий қийматини оширишга хизмат қилади.

Республикамиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотлар миллий, маданий ва маъ-

рифий қадриятларимизнинг қайта тикланаётганлиги ҳамда юксак маънавий фазилатларнинг шаклланишига замин яратиш билан бир қаторда юртимиз фуқаролари турмуш фаровонлигининг ошишига, уларда эртанги кунга нисбатан бўлган ишонч ҳиссининг шаклланишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар билан бир қаторда, ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбияси, эртанги куни, жисмоний ва ақлий жиҳатдан баркамол ривожланишлари борасида ҳам кишини қувонтирадиган даражадаги ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган, халқимиз билан доимий мулоқот қилишга доир талабни амалда бажариш учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, кенг жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама этилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ва 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб номланиши ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг энг муҳим йўналишларини ўзида муҷассам этди.

Замонавий таълим барча турдаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчи, педагогларнинг ижодкор бўлишларини тақозо этмоқда.

Креативлик педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган қобилиятини ривожлантиришга

хизмат қилади.

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун дастлаб “креативлик” тушунчасининг маъносини тушуниб олиш талаб этилади. Кен Робинсоннинг фикрига кўра, “креативлик – ўз қийматига эга оригинал ғоялар мажмуи” (Аззам, 2009 й.) саналади. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”. Эмебайл (1989 й.)нинг ёндашуви нуқтаи назаридан ифодаланса, креативлик “муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юқори даражада ноодатий кўникмаларга ҳам эга бўлиш” демакдир.

Кўплаб тадқиқотларда интеллект ва креативлик ўртасидаги алоқадорлик хусусида турлича қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ тадқиқотчилар улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ эканлигини уқтирсалар, иккинчи гуруҳ вакиллари креативлик ва интеллект даражаси бир-бирига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар (Ким, 2005 й.).

“Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар

креативлик негизда ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил-мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар (Мёрдок, Ганим, 1993 й.; Штернберг, 1985 й.). Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар (Хуи, Стернберг, 2002 й.; Рудович, Хуи, 1997 й.; Рудович, Йе, 2000 й.). Ғарби ва шарқликларнинг креативлик борасидаги қарашлари турлича бўлса-да,

бирок, ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгалликни юқори баҳолайдилар (Кауфман, Лан, 2012й.).

Кўпгина ўқитувчилар ўзларида креативлик қобилиятини мавжуд эмас, деб ҳисоблайдилар. Буни икки хил сабаб билан асослаш мумкин: биринчидан, аксарият ўқитувчилар ҳам аслида “креативлик” тushунчаси қандай маънони англатишини етарлича изоҳлай олмайдилар; иккинчидан, креативлик негизда бевосита қандай сифатлар акс этишидан беҳабарлар.

Патти Драпеау нуқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади. Ҳар томонлама фикрлаш талабалардан ўқув топшириғи, масаласи ва вазифаларини бажаришда кўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда бир томонлама фикрлаш эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди.

Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечимда талаба ечимнинг бир неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш).

Таълим тизимини бошқариш органлари ҳар йили таълим муассасаларида юқори самарадорликка эришишга эътибор қаратади. Ана шу мақсадда ўқув дастурлари ишлаб чиқилади, янги ўқув дарсликларини яратилади. Бу эса ҳам талабалар, ҳам ўқитувчиларни касбий ўсишларига ёрдам беради. Олиб бориладиган амалий ҳаракатлар талабаларда ютуқларга эришиш, олға интилишга бўлган эҳтиёжни муайян даражада юзага келтиради, уларнинг ўқув-билиш қобилиятларини бирқадар ри-

вожлантиришга ёрдам беради. Бирок, ўқув йилининг охирига келиб олий таълим муассасаларида талабаларнинг фанларни ўзлаштиришларида юқори даражадаги ижобий натижалар кузатилмаяпти. Кўплаб талабаларнинг таълим олишга нисбатан қизиқиши йўқолган. Бунинг натижасида ўқитувчилар ҳам аввалгидек завқу-шавқ билан касбий фаолиятни ташкил этишни ўйлашмаяпти. Таълим тизимини бошқарувчи органлар томонидан таълим олишга нисбатан хоҳиш-истаги бўлмаган талабалар, бу каби таълим олувчиларни ўқитишни истамаётган ўқитувчилар фаолиятини ўзгартириш борасида янгидан-янги чора-тадбирлар белгиланса-да, аҳвол ўзгаришсиз қолмоқда.

Бунинг сабаби нимада? Балки дарсларнинг аввалдан ўйлаб, режалаштирилиб қўйилиши талабалар учун қизиқ бўлмаётгандир, балки таълим мазмунининг муайян қолипга солинганлиги талабалар учун ҳеч қандай стимул бермаётгандир, рағбат билдирмаётгандир. Ўқув машғулотларининг аввалдан режалаштирилишдан воз кечиш, талабаларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни ижодий фикрлаш, янги ғояларни ўйлаб топишга мажбур қилиш таълим олишга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни ютуқларга эришишга рағбатлантиришда асосий омил бўлар, балки.

Ўқув машғулотларида етишмаётган омил – креативлик саналади. Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлмаслиги туфайли талабалар ҳам қизиқарли ва ажойиб ғояларга эга бўлсалар-да, бирок, уларни ифодалашда сусткашликка йўл қўяди. Бунинг натижаси таълим жараёнида қўлланилаётган методлар талабаларда эркин, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмаслиги билан белгиланади.

Бошқа ҳар қандай сифат, фазилат каби креативлик ҳам бирданига шаклланмайди. Креативлик муайян босқичларда изчил ривожлантирилиб борилади. Хўш, шахс фаолиятида креативлик хусусиятлари қачондан намоён бўлади?

Одатда креативлик болаларнинг фаолиятида тез-тез кўзга ташлансада, бироқ, бу ҳолат болаларнинг келгусида ижодий ютуқларни кўлга киритишларини кафолатламайди. Фақатгина улар томонидан у ёки бу ижодий кўникма, малакаларни ўзлаштиришлари зарур деган эҳтимолни ифодалайди.

Талабаларда креатив фикрлаш кўникмасини шакллантиришдан олдин синфда қулай муҳитни яратиш лозим. Креатив муҳитда таълим олаётган талабаларда аста-секин креатив вазифаларни бажаришга нисбатан қизиқиш ортади, шунингдек, креатив тафаккурга эга ўқитувчини кузатиш натижасида креатив фикрлашга мойил бўлади (Sternberg & Williams, 1996). Креатив характердаги ўқув-билиш муҳити талабаларда таълим жараёнида катта аҳамиятга эга бўлган танқидий ва креатив фикрлаш кўникмасининг ривожланишига олиб келади (Boykin & Noguera, 2011, 2012; Marks, 2000, as cited in Jensen, 2013).

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг креатив тафаккурга эга бўли-

шлари уларда ижодий муҳитнинг қанчалик таркиб топтирилганлигига боғлиқ. “Тўлақонли креативлик характерига эга таълим муҳитини яратиш пухта ўйланган режага таянади. Ўқитувчилар агарда ўзларининг креатив ўқитиш метод ва стратегияларини кўллаш (яъни кенг кўламда ўйлаш ва креатив фикрлаш жараёнини ташкил этиш)да катта самарадорликка эришишни истасалар, буни талабалар онгига сингдиришлари ва ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари лозим (Higgins, Hall, Baumfield, & Moseley, 2005). Қолаверса, – креатив характерга эга муҳитдагина талабалар ўрганаётган мавзунинг мазмуни, ўқув ахборотлар ўртасидаги ўзаро алоқани тушуниш имкониятига эга бўлади ва бу ҳақида фикрлаш бошланади (Anderson et al., 2000).

Чиқариладиган ягона хулоса қуйидагича: ўқитувчининг ўзи креатив, ижодкор бўлсагина, талабалар ҳам шундай бўла олади. Талабаларни креатив фикрлашга ўргатиш, уларда креатив тафаккурни шакллантира олиш учун аввало ўқитувчининг ўзи креатив, ижодкор шахс бўлиши зарур. Борди-ю, унинг ўзи креативлик сифатларига эга бўлмаса, у ҳолда қандай қилиб, ўқитувчи талабаларни креатив фикрлашга рағбатлантира олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
2. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.
3. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008.
4. Усмонбоева М.Ҳ. “Креатив педагогика асослари”. ЎУМ-Т.: ТДПУХПМОҚТМ, 2017 й.
5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
6. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор. -Т: 2017 йил 20 апрель.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИХТИСОСЛИК ВА МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАР УЗВИЙЛИГИ ВА ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

З.Ш.ТЎХТАЕВА

Бухоро муҳандислик-технология институти “Енгил саноат технологиялари ва жихозлари” кафедраси доценти

Аннотация. Мазкур мақолада олий таълим тизимида бакалаврият таълим йўналишининг ихтисослик фанлари ҳамда магистратуранинг мутахассислик фанлари орасидаги интеграцияси ва узвийлигини таъминлаш муаммолари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: олий таълим, бакалаврият, магистратура, узвийлик, интеграция, ихтисослик, мутахассислик, таълим тизими.

Аннотация. В данной статье рассматриваются проблемы интеграции и преемственности между предметами образовательных направлений бакалавриата и специальных предметов магистратуры в системе высшего образования.

Ключевые слова: высшее образование, бакалавриат, магистратура, преемственность, интеграция, специальность, система образования.

Annotation. This article deals with the problems of integration and continuity between the subjects of educational directions of bachelor and special magistracy in the higher education system.

Key words: higher education, bachelor, master, continuity, integration, specialty, education system.

Республикамизда кадрлар тайёрлашнинг янги миллий модели касбий таълимни ишлаб чиқариш билан яхлитлаштиришни кучайтиришни кўзда тутди. Натижада таълим мазмуни ва ташкил этиш тамойилларини қайта кўриб чиқиш зарурияти пайдо бўлади. Ёшларимиз онгида юксак маънавий комиллик, юрт озодлиги, ободлиги ва халқимизнинг фаровонлик йўлида фидокорона меҳнат қилиш, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан талабчан бўлиш, ўзида иродавий сифатларни тарбиялай олиш, интилувчанлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик, ижодкорлик ҳамда мустақил фикрлаш лаёқатига эга бўлиш каби хислатларни уйғотиш ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан бири бўлмоқда.

Иқтисодий қайта қуриш шароитларида меҳнат бозорида маълум касблар ва мутахассисликларга бўлган эҳтиёж доимо ўзгариб туради. Касбий таълим тизими бу

ўзгаришларга тезда мослашиши керак. Бунинг учун олий таълимнинг йўналишлари мутахассисликлари классификаторида икки, уч турдош соҳалардан иборат бўлган касблар бўйича ўқитиш кўзда тутилган. Бу ёшларнинг меҳнат бозоридаги касбий ҳаракатчанлигини ва янгиланаётган ишлаб чиқариш шароитларида тезда мослашувини таъминлайди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимда, яъни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятла-

рини сафарбар этамиз” – деб таъкидлаганлари бежиз эмас [1].

Узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг босқичлари ўртасидаги, фанлараро узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, ихтисослик ва мутахассислик фанлари интеграциясини таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам таълимда интеграция, узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш масаласи бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Жумладан, ихтисослик ва мутахассислик фанлар интеграциясини таъминлаш асосида таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга кўмаклашувчи методикаларни таълим жараёнига жорий этиш ўқув фаолиятини кафолатланган натижаларга олиб келиши мумкин.

Энди “узвийлик” ва “интеграция” тушунчаларининг моҳиятини кўриб чиқамиз.

Узвийлик янги билимлар ва маҳоратларни эгаллашнинг чуқурлиги ва тўлиқлиги, мавжуд бўлган билимлар ва маҳоратлар билан нақадар мустақкам ва кўп томонлама алоқадорлиги билан боғлиқдир.

Манбаларда «узвийлик» тушунчасига турлича таъриф берилган. Узвийлик – таълим-тарбия жараёнини муайян кетма-кетлик асосида ташкил этилишини ифодаловчи муҳим сифат бўлиб, у маълум босқичда аввалги босқич ўқув фаолияти мазмунини ташкил этувчи билим, кўникма ва малакаларнинг мустақкамланишини, кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилишини таъминлайди [3].

Тадқиқотчилар фан ва таълимдаги янгиликларни ўзлаштириш жараёнида қуйидаги талабларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайдилар:

– жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги – тизимлилик, яъни олий таълим тизими босқичлари (бакалаврият ва магистратура)

узвийлиги;

– фанлар блоклари орасидаги узвийлик – ихтисослик ва мутахассислик фанларининг ўзаро узвийлик жараёнлари;

– фанлар блоклари ичидаги узвийлик, яъни таълим жараёнида фанлар мазмуни, ўтиш методи, технологияси ва ўқитиш воситаларининг ўзаро боғлиқлиги [4].

Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра фанларни интеграциялаш – мавзуларнинг такрорланмаслиги, вақтни тежаш, яъни кам вақт сарфлаб катта ҳажмдаги материални ўзлаштириш имконини беради ва ўзида ташкилотчилик вазифасини ҳам ифодалайди. Юқорида кўрсатилганлар ҳисобга олинганда ўқитишнинг рентабеллиги ҳам ошади. Интеграциялаш асосларига таъсир этувчи бир қанча қуйидаги асосий омиллар мавжуд: фанлар ривожланишининг объектив қонуниятлари; илм-фан тараққиётини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини белгилаш; давлат таълим стандартлари; таълим вазифалари; билимлар синтези; таълим жараёни ва мазмуни бирлиги; ўқув режа ва дастурларининг бир-бирини ўзаро белгилаши; моддий техник база; педагогик ва ахборот технологиялари [2].

Таълим интеграцияси дейилганда, нафақат билимларни предметлараро боғланиши, балки ўқитиш технологиялари, усул ва шакллари интеграцияси ҳам тушунилади. Ўқув жараёнида самарадорликка эришиш учун интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, ўқув дастурларидаги интеграция (мавзулараро уйғунлик); модуллашган интеграция (турдош ўқув фанларига оид билим ва тушунчаларни тизимлаштирган ҳолда тақдим этиш); интегратив дастурлар (дастурларда бир неча ўқув предмети ёки ўқув фанларига оид мавзуларни уйғунлаштирган ҳолда тақдим этиш); мавзулараро интеграция (айни бир курс дои-

расида бериладиган ўқув материалларини бошқа бир курс ўқув материали билан уйғунлаштириш); мавзуларни кетма-кет баён этиш асосидаги интеграция (ўқув материални баён этишдаги концентризм тамойили, яъни олдинги ўқув материалнинг кейингисини мазмунан тўлдириши); ахборот технологиялари асосидаги интеграция (ўқув фанларини компьютер технологиялари асосида ўқитиш) [5].

Бугунги кунда олий ва таълимда бакалаврият таълим йўналишларида ихтисослик ва магистратуранинг мутахассислик фанлари орасидаги узлуксизлик ва узвийлик тўлиқ таъминланиши орқали, таълим олувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларини тармоқ таълим стандартлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг битирувчига қўяётган малака талаблари даражасида тўлиқ шакллантиришнинг илмий асосланган тизимини яратиш устида изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, касбий таълим ўқув режаларини ва махсус фанлар дастурларини бакалаврият ўқув режаси ва фан дастурлари билан мувофиқлаштириш ва ўзаро узвийлигини таъминлаш ҳам асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз олий педагогик таълим муассасаларида касбий-педагогик таълим интеграцияси ва узвийлигини таъминлаш каби ўз ечимини қутаётган долзарб муаммо мавжуд бўлиб, бугунги узлуксиз таълим талабларидан келиб чиқиб, мазкур муаммо юзасидан йиғилган фикр-мулоҳазаларга илмий-амалий асосланган аниқликлар киритиш ҳамда касбий-педагогик таълим тизими узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашни амалга ошириш фурсати етиб келди.

Ўтказилган дастлабки изланишлар шуни кўрсатдики, олий таълимда ўқув жараёнини ихтисослик ва мутахассислик фанлари интеграциясини таъминлаш асо-

сида ташкил этиш талабаларнинг билим олиш имкониятларини ошириш, уларнинг мустақил ишлаш қобилиятларини ва амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара беради. Шунингдек, бугунги кунда олий таълимда ихтисослик ва мутахассислик фанлари ўқув адабиётлари узвийлигини таъминлаш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади.

Демак, олий таълимда ихтисослик ва мутахассислик фанларининг узвийлигини таъминлаш орқали талабаларнинг фанларни самарали ўзлаштиришига эришиш мумкин. Шунингдек, замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий қилиш билан бирга ихтисослик ва мутахассислик фанлари интеграциясига йўналтирилган фан дастурлари асосида ўқитиш - ўқув мақсадларига қафолатли эришишни таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан ўқув фанлари орасида ўзаро узвийликни ва интеграцияни таъминлаш муаммоси ҳам ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Фанларни интеграциялаш – мавзуларнинг тақрорланмаслиги, вақтни тежаш, яъни кам вақт сарфлаб катта ҳажмдаги материални ўзлаштириш имконини беради ва ўзида ташкилотчилик вазифасини ҳам ифодалайди. Юқорида кўрсатилганлар ҳисобга олинганда ўқитишнинг рентабеллиги ҳам ошади.

Психологияда узвийлик мураккаб психологик ривожланиш қонуниятлари, ёш билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни ўрганиш; билимларни босқичма-босқич ўзлаштириш; фаолиятнинг етакчи турлари ўзгариши доирасида кўриб чиқилади. Педагогик жиҳатдан узвийлик дидактик тамойил (ўқув жараёнининг мазмуни, ташкилий шакл ва усулларини белгилаб берувчи асосий қоида), шароити (таълим жараёнини самарали ташкил этишга қўма-

УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИДАН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ЯНГИ АВЛОДИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (“Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” фанлари мисолида)

А.НАБИЕВ

Тошкент кимё технология институти доценти

Аннотация. Мазкур мақолада анъанавий ва ноанъанавий таълим модуллари қиёсий тасвирланиб, техника таълим йўналишларида кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайдиган “Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” фанларидан ўқув адабиётлари янги авлодини яратиш технологияларини янада такомиллаштириш зарурлиги қисқача баён этилмоқда.

Таянч сўзлар: конструкция, технология, педагогик технология, таълим технологияси, модулли технология дидактика, технологик харита, эгилувчанлик тамойили, моделлаштириш.

Аннотация. В этой статье приводится краткий обзор традиционных и нетрадиционных модулей образования и необходимость дальнейшего совершенствования технологии создания учебников нового поколения по предметам «Техническая механика» и «Сопротивление материалов», которые играют важную роль в подготовке специалистов в технических областях.

Ключевые слова: дизайн, технология, педагогические технологии, образовательные технологии, дидактика модульной технологии, технологическая карта, гибкость, моделирование.

Annotation. This article gives a brief overview of the traditional and non-traditional education modules and the need to further improve the technology of creating a new generation of textbooks on Materials Engineering and Technical Mechanics, which plays an important role in training specialists in technical fields.

Key words: design, technology, pedagogical technology, educational technology, modular technology didactics, technological map, flexibility, modeling.

“Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” фанларида лойихаланаётган-ҳисобланаётган конструкциялар – бино, иншоот, машина-механизмлар ҳамда уларнинг қисмлари бевосита ишлаб чиқаришда кенг қўламда қўлланилади [1, 2].

Ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этувчи материал (пўлат, чўян, мис, ёғоч, тош, ғишт, шиша, пластмасса ва турли қоғозлар) лар, хом-ашёлар, маҳсулотлар ёки ярим фабрикатлар олиш ҳамда уларга техник ишлов бериш, қайта ишлаш жараёнлари эса ўзига хос технологиялардан иборатдир.

Бундан хулоса шуки, муҳандислик амалиётида муҳим ўрин эгаллаган “Техник

механика” ва “Материаллар қаршилиги” ҳамда соҳалар бўйича “Ишлаб чиқариш технологияси ёки қисқача технология” фанлари ўзаро боғлиқликда экан.

Технологиянинг илмий аспекти шундаки, унинг фан сифатидаги вазифаси моддий ресурс-бойликлардан муҳандислик амалиётида фойдаланишда вақтни, меҳнатни ва энергия ресурслари кабиларни энг кам сарфлашни талаб қиладиган самарали ва тежамкор ишлаб чиқариш жараёнлари қонуниятларини илмий асослашдан иборатдир. Технологиянинг ҳаракат аспекти деганда моддий бойлик-ресурсларни топиш, қазиб олиш, ташиш, маҳсулот ёки конструкция ва унинг

қисмларини яратиш, ишлов бериш, қайта ишлаш, омборга жойлаш, сақлаш, ишлаб чиқаришни техник назорат қилиш кабилар тушунилади.

Муҳандислик амалиётида технологик операция, технологик жараён, технологик харита, технологик режим каби тушунчалар кўп ишлатилиши ҳам бежиз эмас.

Технологик операция деганда инсон ёки роботлаштирилган техника томонидан бевосита иш ўрнида бажариладиган, якунига етказилган ҳаракат кўринишидаги узвий ва узлуксиз жараённинг бир қисми тушунилади.

Маҳсулот (конструкция ва унинг қисмлари)ларга ишлов беришда қўлланиладиган технологик операцияларнинг йиғиндиси технологик жараённи ташкил этади.

Муайян маҳсулот (конструкция ва унинг қисмлари)ларини ишлаб чиқаришда бажариладиган технологик операцияларнинг тизимли қонуниятга бўйсинувчи кетма-кетлигини баён қилувчи техник ҳужжат технологик харита деб аталади.

Технологик режим – технологик операцияларни амалга оширишни белгиловчи ва қатъий қонуниятга бўйсинувчи тартиб бўлиб, технологик операцияларга сарфланган вақтни, шарт-шароитларни белгилайди.

Агар юқоридаги тушунчаларни таълим жараёнига кўчирсак, у ҳолда таълим берувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида таълим олувчиларга кўрсатган тизимли (тартибланган, ўзаро узвий боғланган) таъсирини шак-шубҳасиз, ижтимоий ҳодиса деб қараш мумкин. Шу нуқтаи назардан ёндашганда ушбу ижтимоий ҳодиса ёки жараённи педагогик технология дейиш ўринлидир.

Педагогик технология – талаба шахсига йўналтирилган, демократик ҳамда такрорланувчанлик ўқиш натижаларини

кафолатлайдиган таълим жараёнини лойиҳалаш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизимли методидир.

Таълим технологияси – педагогик технологиянинг илмий аспекти белгилашда қўлланилиб, у таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида инсон ва техника ресурслари, уларнинг динамик боғлиқлигини кўзда тутган ҳолда ўқитиш ва билим-тажрибаларни ўзлаштириш жараёнини тизимли яратиш, амалда қўллаш ва аниқлашдан иборатдир.

Узлуксиз таълим тизимида таълим-тарбия жараёнларига ижтимоий ҳодиса-жараён сифатида қаралиб, дидактик тизимлар асосида шаклланади ва такомиллашиб боради ҳамда ўқитишнинг авторитар (анъанавий дарс ўтиш модели) ва шахсга йўналтирилган (ноанъанавий дарс ўтиш модели) технологиялари қўлланилади.

Анъанавий дарс ўтиш модели қўлланилганда дарснинг мақсади аниқ бўлса-да, топшириқлар ёки топшириқлар мажмуаси талабаларга асосан намунавий – олдиндан алгоритми белгиланган тарзда ҳавола этилади. Таълим олувчиларнинг билим олишга қаратилган фаолияти педагогик таъсир остида бўлиб, таълим “гўёки” мажбурий тарзда амалга оширилади. Бошқача айтганда ахборотлар узатилиши пассив бўлиб, таълим олувчиларнинг мустақил ҳолда танқидий-мантиқий фикрлай олишлари чекланади.

Мазкур моделда кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби методлардан фойдаланилади. Катта ҳажмдаги ўқув-билув материалларини белгиланган вақт давомида монологик баён этиш маъруза методининг асосини ташкил этади. Шунингдек, таълим берувчидан вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда олим, педагог, нотик, психолог сифатида касбий маҳоратларини намоён эта олишлик талаб этилади.

Шахсга йўналтирилган технологияларда талаба шахси педагогик жараён марказига қўйилади, унинг ривожланишига ва табиий имкониятларини рўёбга чиқаришга қулай шарт-шароитлар яратилади.

Кўпинча ноанъанавий дарс ўтишнинг моделлаштириш усулидан фойдаланилади. Реал ҳаётда ва жамиятда юз бераётган ҳодиса ва жараёнларни ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишларда тасвирлаш моделини ўқув хоналарида яратиш, уларда талабалар шахсан қатнашишлари ва фаолият юритишлари баробарида таълим олишни кўзда тутувчи ёндашув моделлаштириш методи деб қабул қилинган.

“Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” фанларида моделлаштириш жараёни жисм материали яхлит (ғоваксиз), бир жинсли, изотроп, кучланиш ва деформациялар эса чизиқли боғланишда

деган фаразларга асосланади.

Тадқиқот натижаларига кўра, аксарият ҳолларда фан дарсликларини яратишда муаллиф ёки муаллифлар жамоаси эски тушунча ва ёндашувларга таянаётганликлари илмий асосланган. Шунингдек, дарсликларнинг маълум қисми амалий жиҳатдан давр талабига жавоб бермай қолаётганлиги, хусусан, дарсликларнинг дидактик тузилишида шахсга йўналтирилган ва ривожлантирувчи таълимга ўтиш билан боғлиқ ўзгаришлар тўлақонли иноватга олинмаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Муаллиф томонидан авторитар ва шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари қиёсий ўрганилиб, дарсликнинг вазифаларига анча ойдинлик киритилган. Ушбу таҳлилни “Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” фанларидан дарслик яратишга татбиқ этганимизда, қуйидаги хулосаларга келинди (1-жадвал):

№	Дарсликнинг асосий вазифалари
1	<p>Авторитар ўқитиш жараёнида: педагог-дарслик-талаба</p> <ul style="list-style-type: none"> • етарли ҳажмда ахборот олиш имконияти мавжуд. Ҳатто янги, ҳали ўқувчи-талабаларга маълум бўлмаган маълумотларни ҳам олиш мумкин; • ҳодиса ёки жараёнларнинг физикавий, кимёвий ва механик моҳиятларини ёритиш, уларга статистик, математик, физик, технологик томондан таҳлилий ёндашувлар билан бир қаторда политехник, иқтисодий ва экологик таълимни ҳам қўллаш имконияти яратилади; • дарсликдан фойдаланиб, амалий машқлар ечиш, ҳисоблаш-графика ишларини бажариш, матнлар тузиш кабиларга шароит яратилади; • дарсликдан фойдаланиб назорат саволлари ва топшириқларга жавоб олишга эришилади.
2	<p>Шахсга йўналтирилган таълим технологиясида: талаба-дарслик-педагог</p> <ul style="list-style-type: none"> • конструкция қисмларининг тадқиқот мавзуи (ички зўриқиш, кучланиш, деформация ва кўчишларни аниқлаш)ни ёритишда тизимли равишда уларга статистик, геометрик ва физик томонлардан таҳлилий ёндашилиб, ўрганиш натижалари аниқ математик аппарат ёрдамида синтез қилинади ҳамда олинган ечимлар асосида қатъий қарор қабул қилиш имконияти яратилади; • амалий масалалар ечиш ва тажрибалар ўтказиш ёки тажриба натижаларини таҳлил қилиш баробарида ўқувчи-талабаларда политехник онг: замонавий илмий-техникавий жараён - ҳодисалар талаблари, янги техника-технология яратиш негизи ва ютуқлари шаклланади; • ҳақиқий конструкциялар ва уларнинг қисмларини унча муҳим бўлмаган иккинчи даражали конструктив хусусиятлар ва ташқи омиллардан халос этиш баробарида шартли равишда соддалаштирилган кўринишларда тасвирлаш - моделлаштириш имкониятлари яратилади; • таълим олувчиларнинг ўзаро фикр алмашиш доирасида мулоқот қилишлари, шунингдек, ҳамкорликда фаолият юритишлари, ўзаро боғлиқ муносабатларда масъулиятни ҳис этиш баробарида мотивацияни кучайтиришларига имкон яратилади.

Жадвалдаги параметрларни таҳлил қилиб, иккала ўқитиш технологиясида ҳам дарслик ўқитиш марказида туриши билан бир қаторда доимо таълим жараёнида йўналтирувчи ҳамда педагог ва талабанинг ўзаро мақсадли ҳамкорлигини таъминловчи ўқитиш воситаси ҳисобланиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат эканлигига қатъий ишонч ҳосил қиламиз.

Демак, узлуксиз таълим жараёнини таълим стандартлари талаблари доирасида амалга ошириш энг аввало замонавий педагогнинг фаолияти, қолаверса, янги авлод дарсликларининг ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир.

Бу борадаги муаммоларни тизимлаштириш ва ҳал этиш юзасидан мазкур яхлит тизим доирасида ва юқоридаги материалларга таяниб, замонавий дарслик хусусида бир қанча муҳим хулоса ва таклифларни баён этиш мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур концепция талаблари доирасида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ҳали ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд эканлигини тасдиқламоқда.

Хусусан, олдинги таълим тизимидан фарқли равишда илм-фаннинг кўчкисимон ривожланаётган, илмий-техникавий ахборотлар кун сайин янгиланиб бораётган ҳозирги кунда биринчидан, яратилаётган ўқув адабиётларининг янги авлоди талаба шахсини ривожлантиришга тўлақонли йўналтирилмоғи даркор. Иккинчидан эса замонавий ишлаб чиқаришда янги техника-технологияларнинг алмашинувчанлик хусусиятини инобатга олсак, эгилувчанлик тамойили асосида таълим мазмунини янгилаш, шунингдек, узлуксиз таълимда қўлланилаётган педагогик технологияларни ҳам ишлаб чиқа-

ришга мослаш зарурияти туғилади.

Дарҳақиқат, дарсликка аввало таълим мазмунининг моддий ташувчиси сифатида қаралса, аслида таълим жараёнини ташкил этувчиси вазифасини ҳам бажаради. Зеро, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш масаласи билимлар стихияли - пассив равишда “узатилмаслиги”ни тақозо этмоқда. Аниқроғи, билимлар таълим олувчига таклиф қилиниши, билимни ўзлаштириш эса таълим берувчининг кўмаги ва жараённи мувофиқлаштириб бориши эвазига мустақил таълим доирасида талабалар қобилияти ва қизиқишига онгли таъсир кўрсатиш йўсинида амалга оширилмоғи кўзда тутилган. Табиийки, бундай ёндашув натижасида касб танлаш ёки эгалланаётган касбга хос мотивлар билан таълимий, яъни ўқув-билув мотивлари уйғунлашуви таъминланади.

“Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” фанларига ҳам эгилувчанлик тамойили асосида таълим мазмуни ва педагогик технологияларни янгилаш масаласини жорий этиш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Масалан, барча кучланиш ва деформацияланиш ҳолатлари учун ички зўриқиш ва кучланишларнинг эпюраларини чизиш, универсал формулани эгилишдан бошқа деформацияларга ҳам қўллаш, масаланинг чегаравий шартидан фойдаланиб, ҳатто статистиканинг мувозанат тенгламаларини тузмасданок таянч реакцияларини аниқлаш, стержень, вал ва тўсинларни мустаҳкамлик-бикрликка ҳисоблаш каби жараёнларни қўлда эмас, балки интерфаол усуллардан фойдаланиб, компьютерда бажариш даври аллақачон етиб келган. Ваҳоланки, янги авлод дарслик-қўлланмаларида ханузгача бу борада эски ёндашув сақланиб қолмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида техни-

ка-технология эгилувчан ва кўчкисимон ўзгараётган ҳозирги кунларда таълим жараёни: таълим бериш ва таълим олиш технологиялари ҳам шунга мослашмоғи даркор. Ўз-ўзидан равшанки, таълим мақсадлари ва вазифалари ҳам “қотиб қолмасдан” янгиланиб, ўзгариб, такомиллашиб бормоғи шарт. Шундай экан, янги авлод адабиёти ҳам шаклан ва мазмунан такомиллашиб, замонавий илм-фан ютуқларини ўзида мужассамлаштира оладиган эгилувчанлик тамойили талабларига мос келувчи манбаага айланмоғини давр талаби тақозо этмоқда.

Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда дарсликдаги матнларда педагогик жараённи самарали ва натижалли таъминловчи таълимнинг интерфаол стратегиялари тўлақонли акс этишини таъминлаш ўринлидир. Шу жиҳатдан қараганда “Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” фанлари дарсликлари ҳам “ФСМУ” технологияси “Ақлий ҳужум”, “Кейс стади”, “Модулли технология”, “Шахсга йўналтирилган технологиялар”, “Фикрлар ҳужуми”, “Тармоқлар” методи каби технологиялардан амалда фойдаланишга қаратилмоғи лозим.

ТошДТУ, ТКТИ, ТТЕСИ, СамДМҚИ каби олий техника таълим муассасаларида талабалар ўқув дастури материалларини олдинги йиллардагига нисбатан анча кам ажратилган ўқув юкламалари асосида ўзлаштирмоқдалар. Қолаверса “Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” фанлари олий техника таълим муассасаларида саноатнинг машинасозлик, самолётсозлик, автомобилсозлик, металлургия соҳалари ҳамда транспорт ва қурилиш соҳалари бўйича ўқиётган талабаларга мўлжалланган. Кези келганда ундан докторантлар, соҳа муҳандислари, педагоглар ҳам фойдаланишлари табиий

ҳолдир.

Шуларни инобатга олсак замонавий адабиётлар бир неча йўналишларга мос келадиган, иқтисодий жиҳатдан самарали, ягона универсал ҳолда яратилмоғи мақсадга мувофиқдир. Одатда, бундай ёндашув тегишли ўқув дастурлари асосида қискартирилган ва ўзгартирилган ҳолларда машғулотлар ўтиш зарурияти пайдо бўлганда таълим мазмуни ва сифатига зарар етказмасдан бир неча параграф, ҳатто айрим боб (модул)ларни ҳам четлаб ўтиш имконини яратади.

Замонавий талаблар асосида таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш ва амалга ошириш баробарида анъанавий ва ноанъанавий таълим моделларидан самарали фойдаланиш, шу билан бирга “Фанни ўқитиш методикаси” предмети яратиш [3] бу борадаги асосий вазифалардан биридир.

Шу нуқтаи назардан қараганда “Техник механика ва Материаллар қаршилиги фанларидан таълим бериш методикаси”ни яратиш ҳам долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда замонавий дарсликнинг янги авлодини қуйидагича таърифлаш мумкин:

Замонавий дарслик – Давлат таълим стандарти талаблари асосида яратилган фан дастурида белгиланган асосий ўқув-билув материалларини қамраб олган, миллий истиқлол ғояси сингдирилган, дидактика тамойилларига таянган, муайян тадқиқот мавзуи (предмети) ва тадқиқот метод (усул, услуб)ларига эга бўлган ҳолда билимларни таълим олувчилар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга, уларда кўникма ва малакаларни тизимли шакллантиришга, керакли ўқув-билув материалларини мустақил излаш ва топишга, амалий фаолиятда

ИННОВАЦИОННЫЕ УРОКИ – КАК ФОРМА ПОВЫШЕНИЯ ПОЗНАВАТЕЛЬНОГО ИНТЕРЕСА УЧАЩИХСЯ

М.УЗАКОВА

старший преподаватель ТГПУ им. Низами

Урок – это зеркало общей и педагогической культуры учителя, мерило его интеллектуального богатства, показатель его кругозора и эрудиции.

В.Сухомлинский

Аннотация. В статье автор рассматривает нетрадиционные уроки, как средство которое дает возможность не только поднять интерес учащихся к изучаемому предмету, но и развивать их творческую самостоятельность, обучать работе с различными источниками знаний.

Ключевые слова: нестандартный, интегрированный, игровой, бинарный.

Annotation. In the article, the author considers non-traditional lessons, as a means that makes it possible not only to raise students' interest in the subject being studied, but also to develop their creative independence, to teach them to work with various sources of knowledge.

Key words: non-standard, integrated, game, binary.

Annotatsiya. Maqolada muallif noan'anaviy darslarni ko'rib chiqqan, bu esa o'quvchilarning o'qitilayotgan mavzusiga nafaqat qiziqishlarini oshirish, balki ularning ijodiy mustaqilligini rivojlantirish, turli bilimlar manbalari bilan ishlashga o'rgatish imkonini beradi.

Kalit so'zlar: nostandart, integral, o'yin, ikkilik.

С 80- 90х годов прошлого века в учебном процессе обнаружилась опасная тенденция снижения интереса учащихся к занятиям. Их отчуждение от познавательного труда педагоги пытались остановить разными способами. На обострение проблемы массовая практика отреагировала так называемыми нестандартными уроками, имеющими главной целью возбуждение и удержание интереса учащихся к учебному предмету.

Нестандартный урок – это импровизированное учебное занятие, представляющий собой нетрадиционную (не установленную) структуру.

Взгляды педагогов на нестандартные уроки расходятся: одни видят в них прогресс педагогической мысли, правильный

шаг в направлении демократизации учебного процесса, а другие наоборот, считают такие уроки опасным нарушением педагогических принципов, вынужденным отступлением педагогов под напором облепившихся учеников, не желающих и не умеющих серьезно трудиться. Итак, эффективность учебного процесса во многом зависит от умения учителя правильно организовать урок и грамотно выбрать ту или иную форму проведения занятия. Развитие ребенка на уроках происходит по-разному. Все зависит от того, что именно понимается под развитием.

Если иметь ввиду, что развитие – это наращивание знаний, умений и навыков производить определенные действия (складывать, вычитать, анализировать,

обобщать и развивать память, воображение и т. д.) – такое развитие обеспечивается именно традиционными уроками. Оно может идти быстро или медленно. Если предпочитаете быстрый вариант – тогда необходимо обратиться к нетрадиционной организации урока. При проведении открытых уроков данная форма является всегда выигрышной, т.к. в ней представлены не только игровые моменты, оригинальная подача материала, занятость учащихся не только при подготовке уроков, но и в проведении самих уроков через различные формы коллективной и групповой работы.

Задания, которые получают дети на нетрадиционных уроках, помогают им жить в атмосфере творческого поиска.

Задания могут быть самые разнообразные. Например, по русскому языку:

- заполнить анкету (текст);
- ответить на письма читателей;
- подготовить подпись к фотографиям;
- создать рекламу газеты;
- составить рассказ по опорным словам;
- придумать пример по аналогии.

Нетрадиционными могут быть и организационный момент, и ход урока, и физминутка. Это зависит от профессионализма творческого таланта учителя.

Признаки инновационного урока

- Несет элементы нового, изменяются внешние рамки, места проведения.

- Используется внепрограммный материал, организуется коллективная деятельность в сочетании с индивидуальной.

- Привлекаются для организации урока люди разных профессий.

- Эмоционального подъема учащихся через оформление кабинета, доски, музыки, использование видео.

- Организация и выполнение творческих заданий.

ких заданий.

- Обязательный самоанализ в период подготовки к уроку, на уроке и после его проведения.

- Обязательно создается временная инициативная группа из учащихся для подготовки урока.

- Обязательное планирование урока заранее.

- Четко определять 3 дидактические задачи.

- Творчество учащихся должно быть направлено на их развитие.

Каждый педагог вправе выбирать те педагогические технологии, которые комфортны для него и соответствуют индивидуальным особенностям обучаемых:

- а) авторские (человек, группа людей)
- б) авторизованные (Шаталов, Пастухов)
- в) новаторские (исследователи, экспериментаторы)
- г) традиционные (делай как я)
- д) использовать нетрадиционные уроки.

Анализ педагогической литературы позволил выделить несколько десятков типов нестандартных уроков. Их названия дают некоторое представление о целях, задачах, методике проведения таких занятий. Перечислим наиболее распространенные типы нестандартных уроков:

1. Уроки «погружения»
2. Уроки – деловые игры
3. Уроки – пресс-конференции
4. Уроки – соревнования
5. Уроки типа КВН
6. Театрализованные уроки
7. Компьютерные уроки
8. Уроки с групповыми формами работы
9. Уроки взаимообучения учащихся
10. Уроки творчества
11. Уроки-аукционы

12. Уроки, которые ведут учащиеся
13. Уроки-зачеты
14. Уроки-сомнения
15. Уроки – творческие отсчеты
16. Уроки-формулы
17. Уроки-конкурсы
18. Бинарные уроки
19. Уроки-обобщения
20. Уроки-фантазии
21. Уроки-игры
22. Уроки-«суды»
23. Уроки поиска истины
24. Уроки-лекции «Парадоксы»
25. Уроки-концерты
26. Уроки-диалоги
27. Уроки «Следствие ведут знатоки»
28. Уроки – ролевые игры
29. Уроки – конференции
30. Интегрированные уроки
31. Уроки семинары
32. Уроки – «круговая тренировка»
33. Межпредметные уроки
34. Уроки – экскурсии
35. Уроки – игры «Поле чудес».

Педагоги постоянно ищут способы оживления урока, стараются разнообразить формы объяснения и обратной связи.

Разумеется, никто не требует отмены традиционного урока, как основной формы обучения и воспитания. Речь идет об использовании в разных видах учебной деятельности нестандартных, оригинальных приемов активизирующих всех учеников, повышающих интерес к занятиям и вместе с тем обеспечивающих быстроту запоминания, понимания и усвоения учебного материала с учетом, конечно, возраста и способностей учащихся. Многие творчески работающие преподаватели стали использовать необычные разновидности урока, новые построения учебных занятий, в корне отличающиеся от так называемых нестандартных уро-

ков классического образца.

Нужно сказать, что хотя это авторские уроки, отражающие оригинальность мышления и творческие способности отдельных талантливых педагогов, их формы, методы, приемы могут успешно применять и преподаватели других дисциплин. Копировать нельзя, использовать опыт можно и полезно. К таким урокам нужно тщательно готовиться: давать предварительные задания, объяснять построение урока, роль и задачи каждого ученика; готовить наглядные пособия, карты, дидактический материал. Предусматривается ход занятий с учетом уровня и особенностей как аудитории в целом, так и отдельных обучающихся, характера и способностей учащихся, получивших конкретное задание, последовательность операций.

В последние годы интерес к нетрадиционным (инновационным) урокам значительно усилился. Это связано с различными преобразованиями, происходящими в нашей стране, которые создали определенные условия для развития сферы образования и создания новых типов уроков, активного внедрения в уроки различных педагогических методов и способов развития интереса у учащихся, авторских программ и учебников.

Организация инновационного урока предполагает создание условий для овладения учащимися приемами умственной деятельности. Овладение ими не только обеспечивает новый уровень усвоения, но и дает существенные сдвиги в умственном развитии.

И так, эффективность учебного процесса во многом зависит от умения преподавателя правильно организовать урок и грамотно выбрать ту или иную форму проведения занятия. Инновационные

формы проведения уроков дают возможность не только поднять интерес учащихся к изучаемому предмету, но и развивать их творческую самостоятельность, обучать работе с различными источниками знаний.

Такие формы проведения занятий “снимают” традиционность урока, ожив-

ляют мысль. Однако необходимо отметить, что слишком частое обращение к подобным формам организации учебного процесса нецелесообразно, так как нетрадиционные уроки могут быстро стать традиционными, что в конечном счете приведет к падению у учащихся интереса к предмету.

Используемая литература:

1. Бабкина Н.В. Использование развивающих игр и упражнений в учебном процессе Начальная школа.- М.,1998.
2. В.А. Крутецкий. Психология.- М.,1986 (с.238-251).
3. Бажович Л.И. Проблема развития мотивационной сферы ребенка. Изучение мотивации поведения детей и подростков.-М; 1978.
4. Занкова Л.В. Обучение и развитие .- М, 1975.

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ КАК НОВОЕ НАПРАВЛЕНИЕ В СИСТЕМЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА

А. АБДИЕВА

и.о. доцента ТГПУ им. Низами,

Аннотация. Статья посвящена лингвокультурологии одно из ведущих направлений лингвистических исследований. Язык, таким образом, выступает как реализованная внутренняя форма выражения культуры, как средство аккумуляции знаний культуры. Национальный характер культуры предполагает взаимодействие языков и культур разных народов, их взаимное обогащение.

Ключевые слова: лингвокультурология, национальный характер, языки, лингвистика, взаимодействие языков, духовная культура, ментальность нации.

Annotation. The article is devoted to linguoculturology one of the leading areas of linguistic research. Language, therefore, acts as a realized internal form of cultural expression, as a means of accumulating knowledge of culture. The national character of culture involves the interaction of languages and cultures of different nations, their mutual enrichment.

Key words: linguoculturology, national character, languages, linguistics, language interaction, spiritual culture, mentality of a nation.

Annotatsiya. Maqolada lingvokulturologiya lingvistik tadqiqotlarning yetakchi sohalaridan biriga bag'ishlangan. Shuning uchun til, madaniyat bilimlarini to'plash vositasi sifatida madaniy ifodalashning ichki shaklini anglatadi. Madaniyatning milliy tabiati turli millatlarning tillari va madaniyatining o'zaro ta'siri, ularning o'zaro boyligi haqida yoritilgan.

Kalit so'zlar: tilshunoslik madaniyati, milliy xarakter, tillar, tilshunoslik, tilning o'zaro ta'siri, ma'naviy madaniyat, millat mentaliteti.

Лингвокультурология – это наука, возникшая на стыке лингвистики и культурологии и исследующая проявления культуры народа, которые отразились и закрепились в языке. Вместе с тем не следует акцентировать внимание на «стыковом» характере новой науки, ибо это не простое «сложение» возможностей двух контактирующих наук, а именно разработка нового научного направления, способного преодолеть ограниченность «узковедомственного» изучения фактов и тем самым обеспечить новое их видение и объяснение. Как специальная область науки лингвокультурология возникла в 90-е годы XX в. Попытки дать периодизацию ее становления на основе четких и непротиворечивых критериев едва ли увенчаются успехом: во-первых, слиш-

ком мало прошло времени, а во-вторых, оценки итогов существования науки за определенный период, по справедливому замечанию Р.М.Фрумкиной, не могут быть объективными, поскольку они отражают субъективное мнение исследователя, занятого в определенной научной области. Лингвистика XXI в. активно разрабатывает направление, в котором язык рассматривается как культурный код нации, а не просто орудие коммуникации и познания. Фундаментальные основы такого подхода были заложены трудами В.Гумбольдт, А.А.Потебни и других ученых. Например, В.Гумбольдт утверждал: «Границы языка моей нации означают границы моего мировоззрения». Язык не только отражает реальность, но интерпретирует ее, создавая

особую реальность, в которой живет человек. Именно поэтому философия рубежа тысячелетий развивается на базе использования языка. Л. М. Хайдеггер, выдающийся мыслитель нашего времени, назвал язык «домом бытия». Поэтому и лингвистика, наука о языке, занимает авангардные методологические позиции в системе всякого гуманитарного знания и обойтись без ее помощи при изучении культуры невозможно. Язык рассматривается как путь, по которому мы проникаем не только в современную ментальность нации, но и в воззрения древних людей на мир, общество и самих себя. Отзвуки давно минувших лет, пережив века, сохраняются сегодня в пословицах, поговорках, фразеологизмах, метафорах, символах культуры и т.д. Лингвокультурология – гуманитарная дисциплина, изучающая воплощенную в живой национальный язык и проявляющуюся в языковых процессах материальную и духовную культуру (Опарина). Она позволяет установить и объяснить, каким образом осуществляется одна из фундаментальных функций языка – быть орудием создания, развития, хранения и трансляции культуры. Ее цель – изучение способов, которыми язык воплощает в своих единицах, хранит и транслирует культуру. Мы различаем объект и предмет исследования. Под объектом исследования мы понимаем некоторую область действительности, представляющую собой совокупность взаимосвязанных процессов, явлений. Предмет исследования – это некоторая часть объекта, имеющая специфические характеристики, процессы и параметры. Например, общим объектом для всех гуманитарных наук является человек, предмет исследования у каждой из

этих наук свой – определенная сторона человека и его деятельности. Объектом лингвокультурологии является исследование взаимодействия языка, который есть транслятор культурной информации, культуры с ее установками и предпочтениями и человека, который создает эту культуру, пользуясь языком. Объект размещается на «стыке» нескольких фундаментальных наук – лингвистики и культурологии, этнографии и психолингвистики. Предметом исследования этой науки являются единицы языка, которые приобрели символическое, эталонное, образно-метафорическое значение в культуре и которые обобщают результаты собственно человеческого сознания – архетипического и прототипического, зафиксированные в мифах, легендах, ритуалах, обрядах, фольклорных и религиозных дискурсах, поэтических и прозаических художественных текстах, фразеологизмах и метафорах, символах и паремиях (пословицах и поговорках) и т. д. Все вышеуказанные исследователи подчеркивают важность обучения иностранному языку как компоненту культуры и признают тот факт, что наступил новый этап развития этой проблематики, отвечающий как возросшим потребностям учебного процесса, так и более глубокому осмыслению вопросов взаимосвязи языка и культуры и её отражению в практике преподавания языка. Каждый человек принадлежит к определённой национальной культуре, включающей национальные традиции, язык, историю, литературу. Экономические культурные и научные контакты стран и их народов делают актуальными темы, связанные с исследованием межкультурных коммуникаций, соотношения языков и культур,

изучением языковой личности. Э.Сепир писал: «Язык – это путеводитель, приобретающий всё большую значимость в качестве руководящего начала в научном изучении культуры».

Таким образом, появление лингвокультурологии – закономерный результат развития философской и лингвистической теории XIX-XX в. В последнее десятилетие в России вышло в свет несколько работ, посвященных этой дисциплине. Самой популярной в отечественной науке работой может считаться учебник В.А. Масловой [Маслова 2001]. В нем приводится методологическая база, описываются современные направления лингвокультурологических исследований в России. Автор подчеркивает междисциплинарный характер лингвокультурологии, определяя ее как «отрасль лингвистики, возникшую на стыке лингвистики и культурологии», как «гуманитарную дисциплину, изучающую воплощенную в живой национальный язык и проявляющуюся в языковых процессах материальную и духовную культуру» или как «интегративную область знаний, вбирающую в себя результаты исследований в культурологии и языкознании, этнолингвистике и культурной антропологии». Тем не менее, вопрос о статусе лингвокультурологии остается не решенным. Автор утверждает возможность использования самых разнообразных приемов и методов исследования «от интерпретационных до психолингвистических».

Лингвокультурология – одно из ведущих направлений лингвистических исследований. Она идёт от духа языка или от тех или иных явлений, связанных с языковой ментальностью, изучает на-

ционально-культурные специфические правила организации речевого общения, показывает духовность народа, отражённые в языке. В отличие от страноведения и этнолингвистики лингвокультурология представляет собой «целостное теоретико-описательное исследование объектов как функционирующей системы культурных ценностей, отраженных в языке, контрастивный анализ лингвокультурологических сфер разных языков на основании теории лингвистической относительности (гипотеза Э.Сепира-Б. Уорфа) Язык через значение выходит в мир, значение – это тропинка, которая соединяет язык с внеязыковой реальностью. За языковыми явлениями лежит определённая социокультура. За языковой картиной мира лежит социокультурная картина мира чтобы реально пользоваться разговорным языком, надо знать совокупность внеязыковых фактов, то, что лежит за языком. Возрастающий интерес к проблеме «язык-культура» делает всё настоятельней необходимость уточнения источников, параметров, методов исследования понятий, входящих в сферу терминологического инвентаря концепции «язык и культура» сходятся интересы всех наук о человеке, это та сквозная идея, которая разрушает границы между дисциплинами, изучающими человека, поскольку нельзя изучать человека вне его языка. Язык представляет собой главную форму выражения и существования национальной культуры. Э.Сепир писал: «Культуру можно определить как то, что данное общество делает и думает. Язык же есть то, как думают». Язык, таким образом, выступает как реализованная внутренняя форма выражения культуры, как средство акку-

ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ ФОРМЫ УЧЕБНЫХ ДИСКУССИЙ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ

Г.НЕМАТОВА

преподаватель ТГПУ им. Низами,

Ш.ИСМАИЛОВА

старший преподаватель ТГПУ им. Низами

Аннотация. В статье рассматривается вопрос об организационных формах учебных дискуссий и применения современных педагогических и инновационных технологий для быстрого усвоения материала по изучению того или иного иностранного языка в иноязычной группе.

Ключевые слова: дискуссия – симпозиум, инновационные технологии, ролевые/игровые проекты, иностранный язык, иноязычная группа.

Annotation. The article addresses the issue of the organizational forms of educational discussions and the use of modern pedagogical and innovative technologies for the rapid assimilation of material for the study of a foreign language in a foreign language group.

Key words: discussion – symposium, innovative technologies, role-playing / game projects, foreign language, foreign language group.

Annotatsiya. Maqolada xorijiy til guruhida xorijiy tillarni o'rganish uchun materiallarni tezda o'zlashtirishga qaratilgan ta'lim muhokamalarining tashkiliy shakllari va zamonaviy pedagogik va innovatsion texnologiyalardan foydalanish masalasi ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: munozarasi – simpozium, innovatsion texnologiyalar, rol ijrosi, o'yin loyihalari, xorijiy tillar, xorijiy tillar guruhi.

В настоящее время большое внимание уделяется изучению иностранным языкам. Интерес к иностранным языкам среди обучающихся студентов возрастает изо дня в день. Исходя из того, на занятиях целесообразно применять современные педагогические и инновационные технологии для быстрого усвоения материала по изучению того или иного иностранного языка в иноязычной группе. В данном случае применение метода «Учебная дискуссия» способствует эффективному обучению.

Учебная дискуссия – это устное коммуникативное взаимодействие группы учащихся, которое организуется для обмена мнениями, связанными с изучаемыми предметами [2:162]. М.В. Кларин уточняет понятие «учебная дискуссия», говоря о том, что не каждое группо-

вое обсуждение проблемного вопроса можно назвать «дискуссией». По мнению М.В.Кларина, «главными чертами учебной дискуссии является то, что она представляет собой целенаправленный и упорядоченный обмен мнениями, идеями, суждениями ради поиска истины» [3:120]. «Взаимодействие в учебной дискуссии строится не просто на поочередных высказываниях, вопросах и ответах, но на содержательно направленной самоорганизации участников, то есть обращении учеников друг к другу и к учителю для углубленного и разностороннего обсуждения идей» [3:121]. Особенность такого группового общения заключается в том, что оно управляется, организуется учителем. Участники дискуссии, рассматривая и сопоставляя разные мнения на проблемный вопрос, должны

прийти к единому решению.

Следовательно, необходимым является изучение различных стратегий и приемов проведения учебных дискуссий. Рассмотрев ряд работ, посвященных проблемам изучения учебных дискуссий (см. список литературы О.С. Виноградова, М.В. Кларин, И.А. Наджафов, М.В. Хорламова, А.Н.Тюрин) мы составили перечень различных организационных форм проведения дискуссии. При этом одним из основных критериев отбора стала возможность организации обучения иностранным языкам на основе данных дискуссии. Существуют такие типы дискуссий, которые можно проводить в устной или письменной форме. К дискуссиям, осуществляемым в письменной форме можно отнести: дискуссию – форум (может проходить с использованием компьютерных технологий). К дискуссиям, осуществляемым в устной форме, можно отнести следующие типы дискуссий: панельная/стендовая дискуссия (обсуждение доклада эксперта), дискуссия – симпозиум, круглый стол, аквариумная дискуссия, методика проведения дискуссии «Обсуждение вполголоса», методика проведения дискуссии «Лабиринт», дискуссия в формате телевизионного ток-шоу, дискуссия в формате судебного заседания, методика проведения дискуссии в формате «эстафеты» и ее разновидности: «дискуссия в сетке», «дискуссия – светофор», «дискуссия – пирамида».

Процедура проведения *панельной дискуссии* предусматривает разделение всех участников на две неравные по количеству группы – докладчики и аудитория. Докладчики призваны выступить с основными докладами или сообщениями, подготовленными заранее, а те, кто

составляют аудиторию, приглашаются принять участие в обсуждении докладов. Доклады носят проблемный характер. Принимать участие в обсуждении докладов можно в абсолютно свободной форме. Это могут быть и вопросы к докладчику, и собственные комментарии к основному докладу, и небольшой содоклад.

«*Дискуссия-симпозиум*» более формализованное по сравнению с предыдущим обсуждение, в ходе которого участники выступают с сообщениями, представляющими их точки зрения, после чего отвечают на вопросы «аудитории».

«*Круглый стол*» – беседа, в которой «на равных» участвует небольшая группа учащихся (обычно около пяти человек), во время которой происходит обмен мнениями как между ними, так с «аудиторией».

«*Аквариумная дискуссия*» – обсуждение проблемного вопроса происходит в два этапа. Участники дискуссии формируют две/три группы. От каждой группы выбирают председателя, который представляет мнение команды. На первом этапе обсуждение проблемного вопроса ведется в малой группе председателей. Все остальные участники «аквариума» следят за обсуждением, не высказывая свое мнение. Они могут лишь передавать председателям записки, в которых выражают свое мнение.

Процедура проведения дискуссии «*Обсуждение вполголоса*» предполагает проведение закрытой дискуссии в микро группах, после чего проводится общая дискуссия, в ходе которой мнение всей микро группы докладывает ее лидер и это мнение обсуждается всеми участни-

ками.

Методика проведения метода «*Лабиринт*». Этот вид дискуссии иначе называют методом последовательного обсуждения, он представляет собой своеобразную шаговую процедуру, в которой каждый последующий шаг делается другим участником.

«*Дискуссия-соревнование*». Все участники делятся на команды. Выбирается жюри, определяющее критерии оценивания предлагаемых решений: глубина решения, его доказательность, логичность, четкость, адекватность поставленной цели. Согласовывается тема дискуссии и система баллов. В конце проводится коллективное обсуждение предложенных вариантов решения проблемы или проблемной ситуации. Затем жюри выбирает результаты, комментирует их.

Методика эстафеты. Каждый заканчивающий выступление участник может передать слово тому, кому считает нужным.

«*Дискуссия-пирамида*» в ходе данного типа дискуссии число участников обсуждения увеличивается от стадии к стадии развития дискуссии. В начале дискуссии учащимся предлагается работать индивидуально, формулируя аргументы «за» и «против» проблемного вопроса. На следующей стадии учащиеся работают в парах, обсуждая собственные аргументы и выбирая наиболее обоснованные (необходимое количество аргументов устанавливается педагогом заранее). На третьем этапе пары объединяются с другими парами и работают вчетвером. В конце дискуссии все участники обсуждения формируют одну группу, собираются все аргументы и выде-

ляются наиболее обоснованные [5:26].

Проанализировав все вышеперечисленные организационные формы дискуссий, можно прийти к выводу, что существуют дискуссии с более регламентированным порядком проведения. Подобного рода в дискуссиях действия обучающихся (порядок выступления) регламентируются правилами проведения дискуссии (например, «дискуссия – лабиринт», «дискуссия-эстафета», «дискуссия в сетке»). Существуют также дискуссии, в которых порядок выступлений спикеров четко не регламентируется правилами дискуссии. Такие дискуссии можно назвать «свободными» (например, «круглый стол», «дискуссия – симпозиум»). Подобного рода дискуссии предполагают предварительную подготовку, могут стать результатом проектной деятельности обучающихся (ролевые/игровые проекты). Следовательно, участие в одних видах дискуссий требует наличие у обучающихся сформированности более широкого спектра интеллектуальных умений. Ранее нами уже рассматривался вопрос об особенностях организации обучения иностранным языкам на основе дискуссии с учетом разной степени подготовки обучающихся к ведению дискуссии [6:9-14]. В настоящей статье мы хотим рассмотреть соотношение разных уровней подготовки обучающихся к ведению дискуссии на иностранном языке с различными организационными формами проведения дискуссий.

Соответственно нам представляется целесообразным организовать обучение иностранным языкам для учащихся с низким уровнем сформированности интеллектуальных умений на основе дис-

куссий с более регламентированным порядком проведения. Учащимся, которые только начинают осваивать основы группового обсуждения проблемного вопроса, необходимо знать очередность своего выступления, рамки своего выступления. Поэтому мы рекомендуем практиковать такие дискуссии как «дискуссия – лабиринт», «дискуссия – эстафета» с учащимися, которые не имели опыта ведения дискуссии на иностранном языке. Что позволит сформировать у учащихся

умения выслушать собеседника, выработать стратегии вежливого выражения согласия и несогласия с мнением собеседника, овладеть речевыми клише на иностранном языке в более комфортном для учащихся темпе общения. При этом дискуссии со свободным порядком выступления участников группового общения мы рекомендуем применять в группах учащихся со средним или продвинутым уровнем сформированности интеллектуальных умений.

Используемая литература:

1. Виноградова О.С. Проблемные методы в обучении иностранным языкам в специализированных вузах: автореф. дис. канд. пед. наук. – М., 2003.
2. Казарцева О.М. Культура речевого общения. Теория и практика обучения: учеб. пособие для пед. учеб. заведений по спец. – М.: Наука, 1999. – 496 с.
3. Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике: обучение на основе исследования, игры и дискуссии. – Рига: НПЦ Эксперимент, 1995, – 176 с.
4. Наджафов И.А. Учебная дискуссия как средство формирования профессиональной компетентности будущих специалистов по связям с общественностью: (на материале английского языка). – Курск: МЭБИК. 2009. – 127 с.
5. Хорламова М.В. Методические аспекты успешного проведения дискуссии на уроке иностранного языка / Иностранные языки в школе № 12, 2014. – С. 24-27.
6. Шепшинская И.М. Учебная дискуссия как диалоговая форма обучения иностранным языкам в вузе. Новые технологии в образовании: Материалы II Международной научно-практической конференции. – Красноярск: Научно-инновационный центр, 2013. – 152 с.

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.СИДДИҚОВА

Бухоро муҳандислик-технология институти тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада электрон таълим ресурсларининг турлари, уларнинг хараактеристикалари ва анъанавий ўқитиш воситаларига нисбатан фарқли хусусиятлари таҳлил этилган. Технологик жараёнларни автоматлаштириш фанидан яратилган электрон ўқув-услубий мажмуанинг таълим самарадорлигини оширишдаги имкониятлари баён этилган.

Калит сўзлар: электрон таълим ресурслари, мультимедиавийлик, интерфаоллик, универсаллик, ўқув-услубий таъминот, электрон ўқув-услубий мажмуа.

Аннотация. В статье рассматриваются типы электронных образовательных ресурсов, их характеристики, а также преимущества данных ресурсов по сравнению с традиционными средствами обучения. Описаны возможности электронного учебно-методического комплекса по дисциплине «Автоматизация технологических процессов» в повышении качества образования.

Ключевые слова: электронные образовательные ресурсы, мультимедийность, интерактивность, универсальность, учебно-методическое обеспечение, электронный учебно-методический комплекс.

Annotation. The article discusses the types of electronic educational resources, their characteristics, as well as the advantages of these resources in comparison with traditional teaching aids. The possibilities of the electronic educational and methodical complex for the discipline "Automation of technological processes" in improving the quality of education are described.

Key words: electronic educational resources, multimedia, interactivity, universality, educational and methodological support, electronic educational and methodical complex.

Ҳозирги кунда касб-ҳунар таълими тизимида малакали мутахассисларни тайёрлашда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ресурслардан фойдаланиш таълим жараёни самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, замонавий жамият талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ри-

вожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим тизимини янада такомиллаштириш ва иқтисодиётнинг турли соҳалари учун жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ҳамда таълим муассасаларида ўқитишнинг инновацион таълим технологияларини жорий этиш вазифалари белгилаб берилган [1].

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг жаҳон ахборот – таълим муҳитига кириб боришига йўналтирилган замонавий таълим тизимини шакллантириш жараёнида ҳар бир педагог касбий фаолиятида самара-

ли таълим методикаларини жорий этиши лозим. Ахборот технологияларининг ривожланиши педагог кадрлардан замон билан ҳамнафас қадам қўйишларини талаб этади. Ҳозирги даврда, жамиятни ахборотлаштириш шароитида касб – ҳунар таълими тизимини замонавий ресурслар билан тўлдириб бориш, айниқса, махсус фанлардан электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўқув жараёнида жорий этиш муҳим вазифалардан биридир. Ўқитиш жараёни ўқувчиларга нафақат билим бериш, балки билимларни тегишли манбалардан мустақил равишда излаш кўникмаларини шакллантириши ҳам керак. Бу борада замонавий ахборот технологиялари асосида яратилган ўқитишнинг янги моделида, ахборот-таълим муҳитини такомиллаштириш ва уларнинг негизида электрон таълим ресурсларидан кенг фойдаланиш назарда тутилган.

Электрон-таълим ресурслари (ЭТР) деганда, ўқув материалларни акслантиришда электрон курилмалардан фойдаланиш тушунилади [2]. ЭТР ўз хусусиятларига кўра анъанавий ва инновацион сифатларга эга.

ЭТРнинг анъанавий сифатларига қуйидагилар киради: ўқитиш дастурига мослиги; тақдим этиладиган материалларнинг илмий асосланганлиги; ягона методикага мослиги; ўқув фани элементларини тақдим этиш кетма–кетлигига риоя қилинганлиги; орфографик хатоларнинг йўқлиги; этика ва эстетика қоидаларига риоя қилинганлиги ва ҳ.к.

ЭТРнинг инновацион сифатларига қуйидагиларни киритиш мумкин: таълим жараёнининг барча компонентларининг таъминланганлиги (ахборотларни олиш, амалий машғулотлар, ўқув натижаларини назорат қилиш); фойдаланувчи ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) воситалари орасидаги тесқари алоқанинг

мавжудлиги ҳисобидан ахборот алоқадорлигининг интерфаол характери; фаол-фаолиятли ўқитиш формаларидан фойдаланиш ҳисобидан мустақил ижодий ишни такомиллаштириш имкониятлари.

Ҳозирги кунда Республикамиз таълим муассасаларида ЭТРнинг қуйидаги синфларидан фойдаланиб келинмоқда:

- мультимедиали маҳсулотлар;
- дастурий маҳсулотлар;
- ихтирочилик маҳсулотлари;
- аудио маҳсулотлар;
- видео маҳсулотлар;
- матнли маҳсулотлар;
- босма нашрларнинг электрон аналоглари.

Ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда, таълим самарадорлигини таъминлашда оддий ахборот манбаларидан (овоз, тасвир, видеоматериаллар, моделлар) фойдаланиш билан бир қаторда, гиперматнли мажмуалардан (масалан, мультимедиа, энциклопедиялар) ҳам фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ўқув жараёнида педагогик ЭТРга тегишли бўлган электрон ўқув нашрларидан ва электрон ўқув материалларидан фойдаланиш яхши самара беради.

ЭТР ўқитиш воситаси сифатида бир қатор характеристикаларга эга бўлиб, улар қуйидаги имкониятлари билан анъанавий ўқитиш воситаларидан фарқ қилади [3]:

1. Мультимедиавийлик. Мультимедиа воситалари бир вақтнинг ўзида ахборотларни тақдим этишнинг бир нечта воситаларидан (графика, матн, видео, расм, анимация, овозли эффектлар, видеота-свирларга овоз бериш) фойдаланиш имкониятини беради.

2. Интерфаоллик. ЭТРларида интерфаоллик кўплик элементлар ичидан кераклисини танлашни таъминлайди; клавиатурадан матнни киритиш ва кейинчалик уларни таҳлил этиш ҳамда хатоликларни

тузатиш имконини беради; технологик жараёнларни ёки объектларни жорий вақтда бошқаришни таъминлайди; янги ахборот объектларини аудиовизуал тақдим этиш имкониятларини яратади. ЭТРнинг бундай хусусиятлари ўқувчида унга қулай бўлган темпда ишлашини таъминлайди ва ҳар бир ўқувчининг индивидуал имкониятларини ҳисобга олади.

3. Универсаллик. ЭТРнинг бундай сифати ўқув предмети бўйича аниқ ўқув-услубий мажмуага (ЎУМ) қатъий равишда боғлиқ бўлмайди ва ўқувчининг билим ва малакасини шакллантириш учун янги ўқув материалларни киритиш имконини беради.


4. Моделлаштириш. Объектларнинг ва жараёнларнинг моҳиятини, кўринишини, сифатини ўзгаришини аудиовизуал акслантириш орқали уларни имитацион моделлаштириш имконини беради. Электрон таълим ресурси реал жараён фрагментини матнли тавсифлаш ўрнига уни адекват ҳаракатлар кўринишида акслантиради. Компьютер ёрдамида кўплаб турли ҳаракатларни имитациялаш, монитор экранда эса айнан ушбу ҳаракатларни гўёки инсон

томонидан реал ҳаётда бажарилаётгандек акслантириш мумкин.

Ҳозирги кунда махсус фанлардан электрон кўринишдаги ўқув-услубий таъминотни (ЎУТ) тайёрлаш жараёни, ўқитувчилар томонидан амалга ошириладиган ўқув-услубий ишларнинг асосий турларидан бири бўлиб ҳисобланади.

ЎУТ таълим дастуридан ўрин олган яхлит ёки алоҳида предметни қамраб олиши мумкин. Бундай тўпلام таркибига турли ресурсларни (дастурлар, режалар, услубий кўрсатмалар, дарсликлар ёки маърузалар матни ва ҳ.к.) киритиш мумкин.

ЭТРнинг характеристикаларига асосланган ҳолда Бухоро муҳандислик-технология институтининг “Касбий таълим” кафедраси ўқитувчилари томонидан “Нефт ва нефт-газни қайта ишлаш технологияси” таълим йўналиши ўқувчилари учун “Технологик жараёнларни автоматлаштириш” фанидан яратилган электрон ўқув-услубий мажмуа (ЭЎУМ) юқорида таъкидланган электрон таълим ресурсларининг анъанавий талабларига жавоб бериши билан бирга, унинг инновацион характеристикаларига ҳам эга (1-расм).



1-расм. Технологик жараёнларни автоматлаштириш фанидан яратилган электрон ўқув-услубий мажмуанинг тузилмаси

Фаннинг ўқув дастури ЭЎУМ яратишда асос бўлиб хизмат қилди ва қуйидагилардан таркиб топди:

1. Фаннинг мақсад ва вазифалари, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

2. Фаннинг таркиби, уларнинг ҳажмини кўрсатган ҳолда ўқув машғулоти бўйича тизимлаштирилиши.

3. Фаннинг ўқув-услугий таъминоти, шу жумладан асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати.


Фан бўйича назарий материалларни ўзлаштириш бўйича белгиланган манбаларни қуйидагилар ташкил этди:

1. Кафедрада ишлаб чиқилган қисқача назарий материаллар (электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалар).

2. Фойдаланиш имкониятлари бўлган мавжуд ЭТР. Тажриба машғулотларини бажариш бўйича инструкция, ишни бажариш кетма-кетлигини белгилайди ва ўз-ўзини назорат қилиш имконини беради, ўқувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришни таъминлайди ва мустақил ишларни бажаришда кўмаклашади. Ўқув жараёнида тажриба ишларининг мақсади – таълим олувчиларни бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрлашдир. Бир томондан, бу касбий фаолиятида зарур бўлган назарий билимлар билан қуроллантириш

бўлса, бошқа томондан – амалий малака ва кўникмаларини шакллантиришдир. Лойиҳани бажариш бўйича инструкциянинг мазмуни – лойиҳа устида ишлаш босқичларидан, фан бўйича лойиҳа ишларининг мавзуларидан, унинг тузилмаси ҳамда лойиҳани расмийлаштириш бўйича тегишли маълумотлардан иборат. Лойиҳани ишлаб чиқишда ўқувчига лойиҳа мавзусини мустақил равишда танлаш имконияти берилди. Лойиҳани бажаришда унинг долзарблиги, амалий аҳамияти, танланган лойиҳанинг мақсад ва вазифалари ҳамда олинган натижалар таҳлили, шунингдек, якуний хулосалар келтирилади.

Фанни ўзлаштириш якуни бўйича ишлаб чиқилган тестлар тўплами ўқувчининг фанни ўзлаштириши, ундан самарали фойдаланиши орқали унинг касбий ривожланиш жараёнини интенсифлаштирувчи восита сифатида шакллантиради. Ишлаб чиқилган тест топшириқлари ўзлаштирилган билимларни текшириш ва ижодий тафаккурни ривожлантиришга қаратилган. Тестлар таълим олувчиларда ўз билимларини адекват баҳолаш имконини беради. Ҳар бир бўлим бўйича 10-15та тест топшириқлари ишлаб чиқилган. Тест топшириқларининг турлари 2-расмда келтирилган.



2-расм. Тест топшириқларининг тузилмаси

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

С.СИДДИҚОВА

Бухоро муҳандислик-технология институти тадқиқотчиси

Аннотация. Мақола касб-ҳунар коллежлари ўқув жараёнида электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш муаммоларига бағишланган. Электрон контентнинг педагогик инструментлари, ташкилий асослари, ўқув материалларни танлаш асослари, ахборотни тақдим этиш формалари таҳлил этилган. “Нефт ва газни қайта ишлаш технологияси” фани бўйича электрон контентни яратиш алгоритми тавсифланган, унинг ёрдамида ўқувчиларнинг касбий компетенцияларни эгаллаш имкониятлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: электрон таълим ресурслари, таълим контенти, интерфаоллик, мультимедиавийлик, моделинг, очик таълим, модулли мультимедиа тизимлар, компетенция, ўқитишнинг фаол-фаолиятли формалари.

Аннотация. Статья посвящена вопросам разработки и использования электронных образовательных ресурсов в учебном процессе профессиональных колледжей. Анализированы педагогические инструменты электронного контента, его организационные основы, выбор учебных материалов, а также формы представления информации. Описаны алгоритм создания электронного контента по предмету «Технология обработки нефти и газа», исследованы возможности владения профессиональных компетенции учащихся с помощью данного ресурса.

Ключевые слова: электронные образовательные ресурсы, мультимедийность, интерактивность, универсальность, учебно-методическое обеспечение, электронный учебно-методический комплекс.

Annotation. The article is devoted to the development and use of electronic educational resources in the educational process of professional colleges. The pedagogical tools of electronic content, its organizational bases, the choice of educational materials, as well as the forms of presenting information, are analyzed. The algorithm for creating electronic content on the subject “Technology of processing oil and oil and gas” is described, the possibilities of possessing the students' professional competence using this resource are investigated.

Key words: electronic educational resources, educational content, interactivity, multimedia, modeling, open educational modular multimedia systems, competence, actively-activity form of education.

Шиддат билан ривожланиб бораётган давр билимларнинг жадал янгилиниши, янги касбларнинг пайдо бўлиши, касбий малакани доимий ошириб бориш зарурияти билан характерланади. Ўзгариб бораётган дунёда таълим тизими касб-ҳунар коллежлари битирувчиларида ташаббускорлик, мобиллилик, ижодкорлик, конструктивлик каби янги сифатларни шакл-

лантириши керак. Замонавий ўқувчи умри мобайнида билим олишга интилиши, янги технологияларни ўзлаштириши ва улардан фойдаланиш имкониятлари хусусида етарли билимга эга бўлиши лозим. У мавжуд вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда мустақил қарор қабул қилишни билиши, ижтимоий ва бўлажак касбий соҳасига мосланиши, муаммоларни мустақил равишда ҳал эти-

ши, жамоада конструктив ишлаши, ноанъанавий вазиятларда ҳам ўзини намоён этиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сон Фармонида ўқув жараёнига инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни фаол қўллаб, касб-хунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларни ҳисобга олиб замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилган ҳолда ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган малакали кадрларни тайёрлаш касб-хунар таълими соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим вазифалари, деб белгиланган [1].

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда замонавий таълим тизимининг янги мақсадли истиқболлари, таълим сифати ва самардорлигини ошириш заруратини тақозо этади. Ҳозирги кунда Руспубликамизда мавжуд касб-хунар коллежларини янада ривожлантириш мақсадида ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини жорий этиш, жумладан масофавий технологиялар имкониятларидан фойдаланиб таълим дастурларини амалга ошириш, ўқувчиларнинг мустақил ишлари кўламини кенгайтириш, ахборот-таълим муҳитини шакллантирган ҳолда компьютерли ўқитиш технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш, ўқитишнинг фаол-фаолиятли формаларини ривожлантириш вазифалари киради.

Ижтимоий ва касбий фаол шахсни тарбиялаш ўқитувчилардан таълим тизимида самарали методикаларни, замонавий технологияларни ва иш формаларини жо-

рий этишни, шунингдек, ўқувчиларнинг коммуникатив ва шахсий компетенцияларини ривожлантиришни талаб этади.

Таъкидланган мақсадларга эришишда таълим жараёнида компьютер технологияларини оқилона жорий этиш ижобий самара беради ва қуйидаги масалаларни ечиш имкониятларини яратади:

– вақт танқислиги муаммосини енгиб ўтиш ва ўқув вақтидан самарали фойдаланиш даражасини ошириш, айрим аудитория турларидаги машғулотларни мустақил иш секторига ўтказиш орқали аудиториядан ташқари ўқитиш имкониятларини долзарблаштириш;

– фаол-фаолиятли ўқитиш формаларини ривожлантириш;

– шахсий-ривожлантирувчи ўқитиш моделини амалга ошириш;

– ўқувчининг тизимли фикрлашини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

– ўқув жараёнини индивидуаллаштириш принципини, унинг яхлитлигини сақлаган ҳолда амалга ошириш;

– ўқитувчининг фаолиятида ижодий компонентнинг ўсиши учун шароитларни яратиш.

Амалиётда бу электрон таълим ресурсларини (ЭТР) ишлаб чиқиш ва уларни таълим жараёнида жорий этиш заруратини англатади. Бундай таълим ресурсларидан фойдаланиш, таълимда самарали ёндашувларни ривожлантиришнинг зарурий шартлари ва ўқитиш ҳамда ўргатиш методикаларини такомиллаштириш сифатида намоён бўлади [2].

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун яратилаётган ЭТР мазмуни, уларни ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) базасида ишлаб чиқишнинг замонавий даражасига мос келиши керак. Шунингдек, касб-хунар таълимида таълим сифатини оширишнинг муҳим фактори бў-

либ ҳисобланган яхлит электрон-таълим муҳитини шакллантириш ва ундан жамоа бўлиб фойдаланишни ташкил этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

ЭТР ишлаб чиқиш ва фойдаланиш муаммолари Г.А.Бордовский, В.В.Гура, О.В.Нас, О.Г.Петрова, А.В.Осин, И.В.Роберт, Е.В.Чернобай ва М.О.Яковлева, У.Бегемқулов, Қ.Т.Олимовларнинг илмий тадқиқотларида баён этилган. ЭТР тушунчасига олимлар турлича таъриф берганлар. Уларнинг айримларини келтирамиз.

Электрон таълим ресурслари – ахборот-коммуникация технологияларининг дидактик имкониятларини амалга оширувчи илмий-педагогик, ўқув-методик материаллар бўлиб, улар таълим учун белгиланган электрон воситаларда тақдим этишга асослангандир (И.В.Роберт, Т.А.Лавина, Л.И. Миронова).

Техник нуқтаи назардан ЭТР – дастурлар ва маълумотлар бирлашмаси бўлиб, фойдаланувчи учун у контент ҳисобланади, яъни ўрганиш предмети бўлган объектлар, жараёнлар, абстракцияларни намоён этувчи мазмунли элементлар бирлашмасидир (А.В.Осин).

Ушбу таърифда контент тушунчаси киритилган. Контент деганда, биз кўраётган ва эшитаётган барча нарсалар тушунилади. Демак, контент визуал ва товушли турларга бўлинишини инобатга олсак, биз дунёни контент орқали англаб оламиз. Шунинг учун педагогик амалиётда контент иборасидан кенг фойдаланилади.

А.В.Осиннинг илмий тадқиқотларида ЭТР нинг турлари қуйидаги белгилар ва хусусиятлар бўйича классификацияланган [2]:

– тарқатиш муҳити ва фойдаланиш типи бўйича: интернет-ресурслар, offline-ресурслар, “электрон доскалар” учун ресурслар;

– реализациялаш принципи бўйича:

мультимедиа ресурслар, презентацион ресурслар, ўқитиш тизимлари;

– контент мазмуни кўриниши бўйича: электрон маълумотномалар, ўқув қўлланмалар, электрон таржимонлар;

– ташкил этувчи кириш контенти бўйича: маъруза ресурслари, амалиёт ресурслари, имитатор ресурслар (тренажёрлар), назорат-ўлчов материаллари;

– қўлланилиш ўрни бўйича: бевосита машғулотларда ишлаш учун белгиланган электрон таълим ресурслари, ўқувчиларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари учун мўлжалланган ресурслар.

Электрон таълим ресурслари, анъанавий полиграфик ўқув воситаларидан фарқли равишда, бир қатор хусусиятлари билан характерланади:

1. Материал монитор экранида тақдим этилади. Зарурат туғилганда унинг ададини қоғозда кўпайтириш мумкин.

2. ЭТР навигация ва тематик қидирув режимларидан фойдаланган ҳолда матн бўйича тезкор ҳаракатланиш имкониятини беради.

3. ЭТР видео ва аудиоматериалларга мурожаат қилиш орқали ахборотни образли қабул қилишни кучайтириш имконини беради.

4. Тематик саволлар, тестлар, мустақил иш мавзуларининг мавжудлиги ҳисобидан фанни ўзлаштиришнинг ихтиёрий босқичида ўқувчиларда ўз-ўзини текширишни ташкил этиш ва ўқув фанини ўзлаштириш даражасини аниқлаш имкониятларини яратади.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, замонавий касбий таълим талабларини инобатга олганда, ЭТРнинг бундай характеристикалари эндиликда етарли эмас. Ҳозирги кунда замонавий таълимда ўқув материалларни тақдим этишнинг кўплаб усулларидан фойдаланиш эҳтиёжи келиб чиқмоқда, яъни мультимедиа ресурслар ва

3D технологияларни жорий этиш зарурати туғилмоқда. Бундай ресурсларни ўқув жараёнида жорий этиш орқали ўқувчиларда мотивацияни оширишга, ўқув материалларини янада сифатли тақдим этишга ҳамда бўлажак мутахассисларда касбий компетентликни шакллантириш учун зарур бўлган имкониятлар яратилади. Бундан ташқари, касбий компетентликни оширишда мультимедиа технологияларнинг ҳар қандай жараён ва ҳодисаларни моделлаштириш имкониятлари асосида ўқувчилар мавзунини тушунишлари ва ижодий фаолият олиб боришлари учун тегишли инструментал воситаларга эга бўладилар.

Юқоридаги фикрлар, ўқувчи учун замонавий электрон ресурсларнинг имкониятлари катта эканлигидан далолат беради ва улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- ресурс нафақат ўқув фани материалларини тақдим этади, балки ўқув объектларини манипуляциялаш орқали ўқувчиларнинг мустақил ўқув ишлари функционалини кенгайтиради;

- ресурс спецификаси ахборотни амалий фаолият форматида ўзлаштириш вазиятини яратади;

- ўқувчида таълим жараёнини ўзи учун қулай шароитда ташкил этиш, ўз фаолиятини режалаштириш ва мустақил билим олиш имкониятларини яратади.

Касб-ҳунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бошқармаси билан ҳамкорликда Бухоро муҳандислик-технология институтининг “Касбий таълим” кафедрасида ишлаб чиқилган ва Бухоро нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежида синовдан ўтказилган мультимедиа электрон контент (“Нефт ва газни қайта ишлаш технологияси” ва “Нефт ва газни қайта ишлаш

жараёнлари ва жиҳозлари” ўқув курслари) замонавий таълим стандартлари талабларига жавоб беради. Ушбу ресурсда қуйидаги инновацион педагогик инструментлардан фойдаланилган:

- интерфаоллик, ўқитишнинг фаол-фаолиятли формаларини ривожлантириш имконини беради;

- мультимедиавийлик, реал ёки техник тасаввур фрагментларини кўплаб турли усулларда тақдим этиш;

- моделинг (объектни аудиовизуал акслантириш орқали имитацион моделлаштириш), технологик жараёнлар ва ҳодисаларни имитацион моделлаштириш, тасаввурли техник вазият фрагментини адекват тақдим этиш;

- коммуникативлик, ресурснинг бўлимларига мурожаат қилиш орқали таълим ресурсларига тезкор рухсат олиш. Интернет-ресурсларига бўлган мурожаатномалардан фойдаланиш, долзарб ўқув топшириқларини бажариш;

- фойдаланувчи самарадорлиги, тайёр иллюстратив ва матнли материалларга мурожаат қилиш, қидирув амалларининг автоматлаштирилганлиги, материалларнинг тизимлаштирилганлик имкониятлари.

Ушбу имкониятлар ва таҳлиллар, гап электрон таълим ресурсларининг янги авлоди (ЭТР ЯА) устида бораётганлигидан далолат беради. Бундай ресурслар очик таълим модулли мультимедиа тизимлар, – деб номланади ва улар ўқувчи ҳамда ўқитувчиларга қуйидаги имкониятларни яратиб беради [3] (жадвалга қаранг):

1. Ресурс “Нефт ва газни қайта ишлаш технологияси” ва “Нефт ва газни қайта ишлаш жараёнлари ва жиҳозлари” фанларини ўзлаштириш учун матнли материаллардан, ўқитишнинг фаол методлари учун ишлаб чиқилган топшириқлардан, статик ва динамик иллюстрациялардан ташкил топган. Тажрибалар шуни кўрсатадики,

статик ва динамик иллюстрациялардан – маъруза машғулотида муаммони қўйиш, технологик муаммоларни муҳокама этиш (эксплуатация қилиш, технологик жараёнларда юз берадиган муаммоларни ҳал этиш, жараённи таҳлил қилиш ва ўрганиш), амалий машғулотларга тайёрланиш, ўқувчиларнинг оралик ва якуний назоратларини сифатли ташкил этиш жараёнларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ресурсдан фойдаланиш натижасида ўқитувчининг меҳнат унумдорлиги анча ошади ва унга вақтни ва бюджетни оширмасдан эришилади.

2. Ресурс “ўқитувчи – ахборот ташувчи” ролини “ўқитувчи – фаолият координатори”га трансформаллашнинг реал имкониятларини тақдим этади.

3. Ресурс машғулоти олиб борадиган ўқитувчини аниқ ўқитиш формаларига ва методларига боғлаб қўймайди ва унинг имкониятларини чегараламайди. Аксинча, модулли структура ҳисобидан ресурс муаллифлик ўқув курсини ишлаб чиқиш имкониятларини беради ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш имкониятларини кенгайтиради.

1-жадвал

“Нефт ва газни қайта ишлаш технологияси” фани бўйича электрон контентнинг структурали бирлиги

Номи		Контент мазмуни	Характеристикаси
Медиа-элемент	Статик элементлар	Фаннинг модул-дастури	“Нефт ва газни қайта ишлаш технологияси” фани бўйича амалий машғулотларни ташкил этиш формалари, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш шартлари кўриб чиқилган, тизимли таҳлил методларидан фойдаланиш, касбий компетентликни шакллантиришнинг самарали технологиялари, шахсий тажрибани бойитиш бўйича кўрсатмалар келтирилган.
		“Нефт ва газни қайта ишлаш технологияси” фанини ўзлаштириш бўйича методик кўрсатмалар	
		Якуний назорат ўтказиш учун саволлар	
		Ўқув қўлланма	Нефт ва газни қайта ишлаш технологияси фани бўйича электрон таълим ресурсининг текстграфик қисми, интернет-ресурсларига мурожаатномалар, ўз-ўзини назорат қилиш бўйича савол ва топшириқлар.
Медиа-элемент	Динамик элементлар	Қўшимча матнли маълумотлар	Фаннинг асосий мавзулари бўйича глассарий, курс мавзулари бўйича машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича методик тавсиялар.
		Ишлаб чиқариш технологиялари бўйича топшириқлар	Қўлланма ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш учун 12та муаммоли топшириққа эга. Муаммолар кейс стади методи асосида ҳал этилади. У ишлаб чиқаришдаги реал муаммоларнинг ечимини топиш кўникмаларини шакллантиради.

МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

А.Д.ЮСУПОВ

Мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Ушбу мақола инновацион таълим муҳити тушунчаси, мазмуни ҳамда педагогнинг инновацион фаолиятда электрон таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: инновация, инновацион муҳит, электрон таълим, мультимедия, вертуал лаборатория, инноватор.

Аннотация. Данная статья посвящена проблемам сущности понятие компетентности и роль специальных дисциплин в формировании профессиональной компетентности будущих преподавателей профессионального образования.

Ключевые слова: компетентность, профессиональная компетентность, электронно-образовательные ресурсы, мультимедийные ресурсы, инновационная среда.

Annotation. Given article is dedicated to problem of essence notion competency and role of special discipline in shaping professional competency future teachers of the vocational training.

Key words: competence, professional competence, electronic educational resources, multimedia resources, innovative environment.

Ўзбекистонда таълим тизимида инновацион муҳитнинг яратилиши ва ривожланиши инновацион фаолият олиб бора оладиган педагоглар жамоасини шакллантириш билан боғлиқ.

Педагогнинг инновацион фаолияти касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндошувида акс этади. Педагогнинг инновацион фаолияти педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга қаратилган бўлади. Одатда, педагогларнинг инновацион таълим муҳитидаги инновацион фаолияти педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали инноваторга айланиши билан белгиланади.

Педагог ўз-ўзидан инноватор бўлиб қолмайди. Унинг инноваторлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради.

Педагогнинг инновацион фаолиятини самарали олиб боришида электрон таълим ресурсларни ярата олиши ва электрон таълим ресурсларидан фойдалана олиши жуда муҳим саналади, зеро ҳозирги давр ахборотлаштирилган жамият асридир.

Мамлакатимизда таълим жараёнига кириб келаётган замонавий ахборот коммуникация технологиялари асосида таълим бериш электрон таълим ресурсларини яратиш учун йўл очиб берди.

Ҳозирги вақтда яратилаётган электрон таълим ресурслари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Электрон дарслик;
- Электрон ўқув-методик мажмуа;

- Электрон адабиётлар;
- Ўқув фильми;
- Виртуал лаборатория;
- Мультимедиали ресурс.

Электрон дарслик амалдаги ДТС, ўқув режа ва дастурлар ҳамда тасдиқланган (маъқулланган) дарсликка асосланган ҳолда дастурчи, дизайнер, услубчи ва дарслик муаллифидан иборат ижодий гуруҳ томонидан яратилади.

Анъанавий дарсликдан фарқли равишда электрон дарслик ўз таркибига нафақат матн, балки – расм, чизма, график, формула, мультимедиа, анимация, видеолавҳа, назорат саволлари ва топшириқлари, ўйин, тест, бошқотирма каби ресурсларни мужассам этади. Электрон дарслик маълум тузилмага эга бўлиб, унда керакли маълумотни излаш, тез очиш, такрорлаш каби функцияларга эга бўлади.

Электрон дарсликлардан бевосита ўқув жараёнида ҳамда дарсдан ташқари мустақил таълим олиш учун фойдаланиш мумкин.

Электрон дарслик – компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган.

Электрон дарслик ихтисослашган ўқув хоналарида ўтказиладиган амалий машғулотлар учун қуйидаги қулай имкониятларни яратади:

- ўқитувчига компьютер ёрдамида таълим олувчилар билимини тез ва самарали назоратдан ўтказиш;
- ўқитувчига назарий ва амалий машғулотларда ўзининг хоҳиши бўйича ҳажми жиҳатидан кичик, аммо таркиби бўйича ўта муҳим бўлган материалларни етказишига, таълим олувчиларнинг аудитория машғулотлари доирасидан ташқари ўрганиш мумкин бўлган масалаларни

ечишда мустақил шуғулланиш;

- ўқитувчини уй топшириқларини, турли ҳисоблашларни ва назорат ишларни текшириш каби машаққатли ишлардан озод этиш.

Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг ривожлангани сари мазмуни тез ўзгарувчан, чуқурлаштирилиб ўқитиладиган умумқасбий ва мутахассислик фанлар бўйича асосан кам ададли электрон ўқув адабиётларидан фойдаланиш ўқитиш жараёнида яхши самара беради.

Электрон ўқув адабиётлари билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва қўшимча маълумотлар билан таъминлашга йўналтирилган бўлади.

Таълимни ислоҳ қилиш шундай электрон ўқув адабиётларини яратишни талаб қиладики, уларнинг мавжуд бўлиши таълим олувчилар ва ўқитувчилар учун таълим муассаси ва уй шароитида бир хил бўлган компьютерли муҳитни таъминлашни тақозо этади.

Ўқув фильми – бу ишлаб чиқариш жараёни, табиий ҳодиса, тарихий воқелик, адабиётга оид саҳналар кабиларни намоёйиш этадиган қисқа муддатли видеофильм.

Виртуал лаборатория – аниқ ва табиий фанлар бўйича табиатда мавжуд, лекин амалиётда кўрсатиш имкони бўлмаган ёки хавф-хатар туғдирадиган намоёйиш ва лаборатория ишларини ўтказиш учун мўлжалланган.

Мультимедиа ресурслар овоз, графика, анимацияларни ўзига олган ҳаракатланиш мавжуд бўлган муайян мавзуга доир ресурсдир.

Электрон ўқув-методик мажмуа ўз ичига электрон дарслик, электрон адабиётлар, ўқув фильмлари, виртуал лабораторияларни, мультимедиали ва анимацион ресурсларни, расмли қўлланмаларни ва

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯ

А.А.ТУРҒУНОВ

КХТТИРПКМО ва УҚТ институти директор ўринбосари,
ЎЗМУ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада таълим жараёнида инновацияларнинг аҳамияти ва зарурлиги, инновациялар таълимдаги муаммоларни ҳал этиши ва интизомга олиб келиши ҳақида сўз юритилган. Замонавий ахборот жамиятида ўқитувчи касбининг муҳимлиги масаласи кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: инновация, ўқитувчи, таълим, АҚТ, технологиялар.

Таълим – инсониятни бошланишидир. Бугунги кунда таълимга эҳтиёж йўқ деб ҳисоблайдиган инсонлар жуда кам. Ахборот технологиялари даврида биз ҳаётимизни яхшилашга ёрдам берадиган ва содда-лаштирадиган барча янгиликларга кўпроқ эътибор қаратадиган бўлдик. Дам олиш пайтида, ҳаётда ва албатта, таълимда ҳам. Ҳозир олимлар ҳаётимизни янада осонроқ ва яхшироқ қилиш учун фаол тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар, шунинг учун ҳам улар таълим масалаларини ҳам четлаб ўтмаяптилар.

Ҳозирги кунда сифатли таълимни ривожлантириш учун инновациялар амалиётга татбиқ этилмоқда. Шу сабабли, таълимда ҳам қоғоздан электрон ҳужжатларга ўтилмоқда, айниқса, электрон журнал ва электрон кундаликлар ишлаб чиқилиб, жорий этилиши ота-оналар ва ўқувчиларга фанларни ўзлаштиришни ўсиши натижаларини кўриб бориш имконини беради.

Электрон инновациялардан ташқари, ҳаётимизга ўқувчилар томонидан билим ва кўникмаларни ўзлаштирилишини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган тадқиқот натижалари асосида турли хил ўқув методлар, сюжетли, ролли, лойиҳавий ўйинлар ва жамоавий лойиҳалар ҳаётимизга қўшилиб бормоқда. Жамоавий лойиҳалар асосида ўқувчиларнинг қиди-

риш (керакли мавзудаги ахборотни тўғри қидириш), амалга ошириш (масалан, лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш) ва мулоқот (масалан, жамоавий лойиҳа ўқувчиларда нафақат жамоа бўлиб ишлаш, балки мулоқот қобилиятларини ҳам ривожлантиради) кўникмалари ривожлантирилмоқда.

Анъанага содиқ бўлган ёки тараққиётнинг ҳалокатли деб биладиган, ҳаётларида ҳеч нарса ўзгартиришни хоҳламайдиган одамлар ҳам бор. Биз уларни тараққиёт ҳеч қандай ривожланишга олиб келмайди деган фикрларини қўллаб-қувватламаймиз, чунки барчамиз биламизки, жамиятнинг тараққий этмаслиги, қашшоқлашган замонларда қолиб кетишга асос бўлади. Ахборот ва инновациялар бизнинг келажакимиз эканлигига ишонамиз, биз доимо янгиликка ва такомиллаштишга интилишимиз керак.

Ахборот – бизни “дунёга эгалик қилишга” имкон беради, бошқача қилиб айтганда, билими бор одам дунёни бошқаради. Болалигимиздан ахборотнинг аҳамияти ҳақида бизга айтилгани бежизга эмас, чунки инсон қанчалик кўп билса, дунёқараши шунчалик кенг бўлади ва маълум бир соҳада ютуққа эриша олишга имконияти шунчалик кўп бўлади.

Илгари ахборотларга кириш чеклан-

ган эди, бу интернетни йўқлиги, цензура, шунингдек, жамиятда муайян мавзулар ва масалаларда тақиқлар кўп бўлган. Бироқ, ҳозирги кунда бу маълумотлар омма учун очикдир, бу эса ҳар кимга осонлик билан ахборотлардан фойдаланиш ва уларни ўз эҳтиёжлари учун қўллаш имконини беради. Шундай қилиб, биз оммавий ахборот воситалари ва интернет асосида таълим соҳасидаги янгиликларни осонлик билан жорий этишга ёрдам берадиган ахборот билан эркин ишлашимиз мумкин.

Шундай қилиб, бугунги кунда муаммони ҳал қилишнинг энг яхши ва энг самарали усуллари бу “таълимни ахборотлаштириш” деб аташ мумкин. Коммуникация тармоқларини такомиллаштириш ахборот алмашинувини ривожланишига олиб келади. Компьютер технологиялари ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган янги ахборот технологияларининг пайдо бўлиши, таълим тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш юқори сифатли ахборот ва таълим муҳитини яратиш имконини беради.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги авлод учун ахборотларни очик ва соддалаштирилгани, бу уларни янада самарали ўзлаштиришларига ёрдам беради. Кўпгина олимларнинг фикрига кўра, фильм ва тақдимот кўринишидаги маълумотлар графикалар, расмлар ва визуал компонентсиз бўлган катта матндан фарқли равишда яхши ўзлаштирилган.

Технологиянинг илм сифатидаги мақсади – муайян ахборотни амалда қўллаш учун қулайликларни аниқлашдир. Муайян натижага эришиш учун кам вақт ва кам ҳаракатларни талаб қиладиган инновацион ва самарали таълим тадбирларидан фойдаланиш лозим.

Инновация нима? Инновация – бу турли соҳаларда, айниқса таълим ва фан

соҳасида фойдаланиладиган янги ёки тақомиллаштирилган шакллар, усуллар ва кўникмалардир. Ҳар қандай ижтимоий ва иқтисодий дастурларни инновациялар сифатида қабул қилиш мумкин, агар янгиликлар кенг қамровли тарқалмаса ёки фойдаланувчилар томонидан тан олинмаса у ҳолда бу инновация эмас.

Таълим турли технологиялардан фойдаланиш бўйича аниқ талабларга эга, чунки натижалар шахсларга қаратилган бўлади. Таълим дастурлари технологиясининг кетма-кетлик даражасини саноат корхоналари билан таққослаб бўлмайди. Шунга асосланиб, таълим соҳасидаги фаолиятнинг технологиялашуви билан бир қаторда, инсонийлаштириш каби муқаррар жараён ҳам мавжуд [1].

Бундай таълимнинг асосий мақсади одамларни замонавий дунёда ўзгарувчан ҳаётга тайёрлашдир. Тренинг таълим жараёнини шахснинг потенциалига, шунингдек, уни амалга оширишга йўналтиради. Замонавий дунёдаги ҳар қандай таълим муҳим муаммоларни ҳал этишга қаратилган кўплаб ижодий ёндошувларни, ижодкорликни инсон ҳаётининг асосий омилларига айлантиришга ёрдам берадиган инновация механизмларини ишлаб чиқиши керак.

Ахборот-коммуникация технологияларидан тез фойдаланиш одамларни ишини автоматлаштириш, маълумотларни излаш ва узатиш вақтини тезлаштириб, мия фаолиятини ўзгартиради. Турли ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқаришга ёки умуман фаолиятга жорий этилиши ҳар қандай ишлаб чиқариш компаниясининг, университет ёки коллеж, мактабнинг муваффақиятли бўлиши мумкинлиги исботланган [2].

Аввалги ўқитувчи ва бугунги кун ўқитувчиси бу мутлақо бошқа касблардир. Албатта, ўхшашликлар бор, лекин улар жуда

“МАТЕРИАЛЛАР ҚАРШИЛИГИ” ВА “ТЕХНИК МЕХАНИКА” ФАНЛАРИДАН ЯРАТИЛГАН ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

А.НАБИЕВ

Тошкент кимё технология институти доценти

Аннотация. Мақолада узлуксиз таълим тизимида баҳолашнинг рейтинг тизими асосида “Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари бўйича яратилган ва узлуксиз таълимда бир неча йиллардан бери фойдаланилаётган ўқув адабиётларининг сифати ва самарадорлигини қиёсий баҳолаш мақсадида назарий ва амалий экспертизалар олиб бориш механизми ишлаб чиқилганлиги баён этилган.

Таянч сўзлар: таълим сифати, баҳолаш мониторинги, дидактика, диагностик харита, экспертиза, баҳолаш мезони, статистик таҳлил, корреляция, дисперсия.

Аннотация. В статье излагается механизм теоретической и прикладной экспертизы на основе рейтинговой системы непрерывного образования по предметам «Сопротивление материалов» и «Техническая механика» для сравнительной оценки качества и эффективности учебников, используемых в непрерывном образовании.

Ключевые слова: качество преподавания, оценка мониторинга, дидактика, диагностическая карта, экспертиза, критерии оценки, статистический анализ, корреляция, дисперсия.

Annotation. The article also outlines the mechanism of theoretical and applied expertise on the basis of a rating system for continuous education in the field of "Material Strength" and "Technical Mechanics" for a comparative assessment of the quality and effectiveness of the textbooks used for years of continuous education.

Key words: quality of teaching, assessment of monitoring, didactics, diagnostic map, expertise, evaluation criteria, statistical analysis, correlation, dispersion.

Давлат таълим стандарти талаблари асосида таълим берувчилар ва таълим олувчиларнинг мақсадли ҳамкорликдаги фаолиятлари таълим олувчиларни ўқитишдан уларга таълим-тарбия бериш жараёнига изчил ўтишига йўналтирилган ҳозирги пайтда узлуксиз таълим тизимида ўқувчи-талабаларнинг ўқув-билув мотивлари самарали шаклланиши ва ривожланишида янги авлод дарсликларининг сифати алоҳида аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан қараганимизда замонавий дарслик яратишда асосий эътибор ДТС талабларига мос келувчи фан дастурида белгиланган асосий ўқув-билув материалларини қамраб олган, миллий истиқлол ғояси сингдирилган, дидактик

тамойилларга таянган билим манбаи бўлиб қолмасдан, балки муайян тадқиқот предмети-методларига эга бўлган ҳолда билимларни таълим олувчилар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга, уларда кўникма ва малакаларни тизимли шакллантиришга, эркин фикр юритиш баробарида керакли ўқув-билув материалларини мустақил излаш ва топишга, амалий фаолиятда қўллашни ўргатиш ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга ҳамда таълим олувчиларнинг маълум фазилатларини шакллантиришга йўналтирилишига қаратилмоғи зарурдир.

Шунингдек, янги авлод дарсликлари илм-фаннинг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда ўзида педагогик ва ахборот техноло-

гиялари, зарурий ҳолларда эса замонавий ишлаб чиқариш билан ҳамоҳанг тарзда эгилувчанлик ва ўзгарувчанлик хусусиятларини намоён эта олиши мақсадга мувофиқдир.

Табиийки, таълим мазмуни ва сифатини таъминлашга қаратилган янги авлод дарсликларига қўйилаётган кенг кўламли мазкур талаблар уларнинг сифат кўрсаткичларини илмий-методик нуктаи назардан асосли баҳолашни тақозо этади.

Бу борада француз олимлари Франсуа-Мари Жерар ва Ксевье Рожье томонидан таклиф этилган “Аввал қарор типларини аниқлаш ва мақсадни рўёбга чиқариш, сўнгра жараённинг барча иштирокчиларини ҳаракатга жалб этиш, уларнинг жараёндаги ўрни ёки таъсирини белгилаш ҳамда барча амал қилишлари кўзда тутилган ме-

зонларни шакллантириш”га қаратилган қоида дарслик таҳлилининг йўналтирувчи нуктаси сифатида қўлланилиши эътиборга моликдир [1].

Дарсликлар сифатини илмий-методик нуктаи назардан таҳлил этиш ва баҳолаш жараёни гарчи кўп йиллардан буён педагог-олимларнинг диққат марказида бўлса-да, баҳолашда ягона мезонлаш ва меъёрлаш методикасини тўлақонли яратиш долзарблигича қолмоқда.

1-жадвалда “Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари бўйича яратилган ва узлуксиз таълимда бир неча йиллардан бери фойдаланилаётган ўқув адабиётлари сифати ва самарадорлигини баҳолашда назарий экспертиза олиб бориш механизми келтирилган [2, 3].

1-жадвал

Дарслик яратишда назарий экспертиза

(экспертлар томонидан баҳоланади)

№	Дарсликнинг назарий экспертизаси мезонлари тизими
1	<p align="center">Дарсликнинг тузилиши:</p> <p>Дарсликдаги ўқув-билув мотивларининг таркибий тузилиши ва мантиқий боғлиқлиги:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ўқув материалларнинг ҳажми ДТС талаблари асосида шакллантирилганлиги ва уларнинг тегишли боб (модул)ларда тақсимоли; • назарий ва амалий ўқув материалларининг мутаносиблиги; • боб (модул)лар ва параграфлар орасидаги боғлиқлик; • мавзуларда тизимли кетма-кетлик ва изчиллик таъминланганлиги. <p>Фаннинг тадқиқот мавзуи (предмети)ни ўрганишнинг кейинги боб (модул)лар ёки параграфларда тизимли ва изчил ривожлантирилиши.</p> <p>Матнларнинг ҳажми ва мураккаблиги.</p>
2	<p align="center">Дарсликнинг мазмуни:</p> <p>Дарслик мазмунининг ўқув дастурига мослиги.</p> <p>Дарслик мазмунида илм-фан, техника-технология ютуқларининг ёритилганлиги.</p> <p>Матнлар-ўқув материалларида узвийлик ва узлуксизликнинг таъминланганлиги.</p> <p>Ўқув материаллари баённинг илмийлиги:</p> <ul style="list-style-type: none"> • асосий тушунча, чекланиш ва аксиомалар, қонун ва назарияларнинг илмий жиҳатдан тўғри ифодаланиши; • фан асосига қўйилган тадқиқот методлари (усул ва услублар) нинг илмийлиги.

2	<p>Ўқув материалларини баён этишда:</p> <ul style="list-style-type: none"> • умумий қабул қилинган анъанавий методик усуллардан фойдаланиш; • таълим сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги методик усуллар – замонавий таълим технологияларини қўллаш. <p>Дарсликда тарихийлик тамойиллари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • умумбашарий, умуминсоний ва замонавий ютуқлар, миллий урф-одатлар ва кадриятлар; • дастлабки илмий тушунчалар ва тасаввурларнинг пайдо бўлишидан бошлаб муайян назария ва қонуниёт ёки қонунларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ҳамда амалий аҳамиятини очиб бериш кабиларнинг акс эттирилиши.
3	<p align="center">Матнларнинг сифати ва самарадорлиги:</p> <p>Матннинг тили:</p> <ul style="list-style-type: none"> • аниқлиги, соддалиги, ифодалилиги, қисқа ва равонлиги, таъсирчанлиги • математик аппаратдан фойдаланиш ҳолати <p>Матннинг дидактик (“оддийдан-мураккабга”, “умумийликдан-хусусийликка”, “мавҳумликдан-аниқликка” тамойилларига ҳамда шахсга йўналтирилган ва ривожлантирувчи таълим технологияларига қатъий амал қилиниши кабилар) ва илмий-услубий талаблар доирасида яратилганлиги</p> <p>Матннинг тушунилиш даражаси.</p> <p>Матнларни таснифлашда ижодий ёндашилганлик ва мантиқий боғлиқлик.</p> <p>Матнларда ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш-абстракциялаш тамойилининг илмийлиги.</p> <p>Матннинг анъанавий ва ноанъанавий таълим уйғунлиги ва ўзаро халал бермаслик тамойилига мослиги.</p> <p>Шрифтлар ва уларнинг қўлланилиши.</p>
4	<p align="center">Тасвирий таълим воситалари:</p> <p>Дарсликнинг дизайни:</p> <ul style="list-style-type: none"> • муқова ва форзацлардаги иллюстрацияларнинг танланиши; • тасвири таълим воситалари (фотосурат, эскиз, чизма, эпюра, схема, жадвал, символ кабилар)нинг тўғри танланиши; • иллюстрацияларнинг сифати, жозибаси, рангларнинг ўз ўрнида ишлатилиши <p>Тасвири таълим воситаларининг таълим мазмун-моҳиятини тўлақонли ўзлаштиришга етарлилиги.</p> <p>Тасвири таълим воситалари шаклан соддалиги, мазмунан мавзулар ёки ўқув модулларга мослиги ҳамда фойдаланишга қулайлиги.</p> <p>Тасвири таълим воситаларининг жойлашуви, верстка.</p>
5	<p align="center">Мустақил таълимга йўналтирилганлик:</p> <p>Дарсликдаги ўқув материалларининг қуйидаги фаолиятларни мустақил амалга оширишга йўналтирилганлиги:</p> <ul style="list-style-type: none"> • конструкция қисмларининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатларини текшириш, ички кучларнинг эпюраларини куриш баробарида хавфли кесимларни аниқлаш, сиқилган стерженларнинг устуворлиги, даврий ўзгарувчан кучлар ва зарбий юклар таъсирида тўсинларнинг мустаҳкамлигини текширишга оид

5	<p>намуна (алгоритм)лар асосида типик машқларни, яъни мисол-масалаларни ечиш, ҳисоблаш-графика ишларини бажариш;</p> <ul style="list-style-type: none"> • реконструктив-вариативлик асосида ўзлаштирилган ахборотларни қайта ишлаб, қўйилган масала ёки муаммоларни ҳал этишга мавжуд билимларни жалб этиш; • эвристик (қисман ижодий) кўринишда маъруза, амалий-лаборатория машғулотлари пайтида қўйилган айрим масала ёки муаммоларни ҳал этиш; • мазкур дарсликдан ташқари, бошқа ўқув-услубий таъминотларга ҳамда мавжуд моддий таъминотларга ҳам таянган ҳолда тайёр намунавий ечимларга муурожаат қилмасдан муаммоли вазиятларга ижодий-таҳлилий ёндашиш. <p>Дарсликда ечиб кўрсатилган масалалар ҳамда назорат саволлари ва топшириқларнинг:</p> <ul style="list-style-type: none"> • матнга мослиги; • мустақил топшириқ-вазифаларни бажариш; • инновацион технологияларни жорий этиш назарий билимларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилганлиги.
---	---

Шунингдек, техника таълим йўналишлари ўқув адабиётларининг янги авлоди педагоглар ва талабалар томонидан алоҳида-алоҳида қиёсий баҳолаш баробарида

“Дарсликдан таълим жараёнида фойдаланишнинг амалий экспертизаси” механизми ишлаб чиқилган (2-жадвал).

2-жадвал

Дарсликдан таълим жараёнида фойдаланишнинг амалий экспертизаси
(ҳамкорликда қиёсий баҳоланади)

№	Дарсликдан таълим жараёнида фойдаланиш бўйича амалий экспертизаси мезонлари тизими	
	Педагог	Талаба
1	Тузилиши ва мазмуни:	
	<p>Дарсликда маъруза давомида фаннинг асосий мақсади, тадқиқот мавзуи (предмети) ва методларини изчил ва содда ҳавола этишга йўналтирилганлиги.</p> <p>Дарсликдаги матнлар мазмуни ДТС талаблари асосида талабанинг билим, кўникма, малакани ўзлаштиришга ва компетенцияларни ривожлантиришга қаратилганлиги.</p> <p>Мантиқий, таҳлилий-танқидий фикрлашнинг индукция, дедукция, таққослаш, исботлаш ёки асослаш, қарама-қарши қўйиш, қиёсий хулосалаш ва умумлаштириш сингари амалдаги усулларида фойдаланиш қулайлиги.</p>	<p>Дарсликда маъруза давомида фаннинг асосий мақсади, тадқиқот мавзуи (предмети) ва методларини изчил ва содда ўзлаштиришга йўналтирилганлиги.</p> <p>Дарслик асосида конструктив лойиҳалаш-ҳисоблаш жараёнларида талабаларда инновацион ғоялар шаклланишига йўналтирилганлиги.</p> <p>Дарсликдаги ўқув материалларининг узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари асосида баён этишга қаратилганлиги.</p>

2	Таълим жараёнинг бориши:	
	<p>Фаннинг тадқиқот мавзуи (предмети)ни кейинги боб (модул)лар ёки параграфларда:</p> <ul style="list-style-type: none"> • назарий машғулотлар; • амалий-машқ машғулотлари; • чўзилиш, сиқилиш, буралиш ва эгилиш ҳамда критик кучни аниқлашга оид лаборатория-тажриба машғулотлари; <p>мустақил таълим жараёнларида дарсликдаги ўқув материаллари асосида тизимли ва изчил таълим бериш имконияти яратилганлиги</p>	<p>Фаннинг тадқиқот мавзуи (предмети)ни кейинги боб (модул)лар ёки параграфларда:</p> <ul style="list-style-type: none"> • назарий машғулотлар • амалий-машқ машғулотлари • чўзилиш, сиқилиш, буралиш ва эгилиш ҳамда критик кучни аниқлашга оид лаборатория-тажриба машғулотлари <p>мустақил таълим жараёнларида дарсликдаги ўқув материаллари асосида тизимли ва изчил таълим олиш имконияти яратилганлиги</p>
3	Педагогик технологияларга мослиги:	
	<p>Таълим сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги методик усуллар – замонавий таълим технологияларини қўллаш баробарида:</p> <ul style="list-style-type: none"> • фаол-ижодий ёндашувлар таъминланиши; • масалалар ечиш ва ҳисоблаш-чизма ишларини бажаришда ахборот ва коммуникацион технологияларни жорий этишга йўналтирилганлик; • таълимни индивидуаллаштиришга қаратилганлик. 	<p>Замонавий таълим технологияларини қўллашнинг кафолатли ва самарали натижаларни эгаллашга йўналтирилганлиги:</p> <ul style="list-style-type: none"> • мотивация (қизиқиш)нинг юқори даражада кўтарила бориши; • эгалланган компетенцияни хотирада узоқ муддат сақланиши; • мулоқотга киришиш маҳоратининг шаклланиши ва ривожланиши; <p>мустақил равишда танқидий-таҳлилий ва мантиқий фикрлаш самарадорлигига эришиш</p>
4	Мустақил таълимга йўналтирилганлиги:	
	<p>Педагогнинг мустақил таълимни самарали ташкил этишига кўмаклашиш:</p> <p>дарсликдаги ўқув материаллари шахс-талабанинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган дидактик топшириқ-вазифалар: конструкция қисмларининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатларини текшириш, ички кучларнинг эпюраларини қуриш баробарида хавфли кесимларни аниқлаш, сиқилган стерженларнинг устуворлиги,</p>	<p>Дарсликдаги ўқув материаллари талабанинг қуйидаги фаолиятларни мустақил амалга оширишига имкон яратади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • намуна (алгоритм)лар асосида конструкция қисмларини мустаҳкамлик, бикрлик ва устуворликка ҳисоблашда типик машқларни, яъни мисол-масалаларни ечиш, ҳисоблаш-графика ишларини бажариш; • реконструктив-вариативлик асосида олдин ўзлаштирилган ахборот-билимларни фикран қайта ишлаб, улардан қўйилган масала ёки муаммоларни

	<p>даврий ўзгарувчан кучлар ва зарбий юклар таъсирида тўсинларнинг мустақамлигини текширишга оид намунавий кўринишдаги типик мисол-масалалар ёки машқлар, муаммоли, кизиқарли масала, тест, йўналтирувчи назорат савол, ҳисоб-графика топшириғи, технологик харита, тарқатма материал, карточка, крассворд каби-ларни ишлаб чиқишга йўналтирилганлиги</p>	<p>ҳал этишда унумли фойдаланиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> • таълим жараёнида қўйилган айрим масала ёки муаммоларни эвристик (қисман ижодий) кўринишда ҳал этиш; <p>муаммоли вазиятларга ижодий-таҳлилий ёндашиб, ўқув дастури доирасида мустақил таълимнинг вазифа-топшириқларини тўлақонли эгаллаш</p>
<p>5</p>	<p>Таълим натижаларини баҳолашнинг рейтинг назорати:</p>	
	<p>Амалдаги рейтинг тизими доирасида талабалар билими, кўникма, ма-лакаси ва эгаллаётган компетенцияси-ни баҳолаш мақсадида жорий назорат, оралиқ назорат ва якуний назорат учун педагогик тестлар, оғзаки ёки ёзма иш вариантлари сингари дидактик топшириқ-вазифаларини барча боб (модул)лар ёки параграфларда баён этилган матнлар асосида тушунувчанлик ва ўқув материалларини ўзлаштирувчанлик даражасига мослаб “оддийдан-мураккабга” тамойили бўйича ишлаб чиқишнинг кўзда тутилганлиги.</p>	<p>Барча боб (модул)лар ёки параграфларда баён этилган матнлар асосида тушунувчанлик ва ўқув материалларини ўзлаштирувчанлик даражасига мослаб “оддийдан-мураккабга” тамойили бўйича ишлаб чиқилган педагогик тестлар, оғзаки ёки ёзма иш вариантларидан фойдаланиб жорий назорат, оралиқ назорат ва якуний назорат синовларини топширишнинг кўзда тутилганлиги.</p>

Таклиф этилаётган назарий ва амалий экспертизалар асосида қиёсий баҳолаш дарсликнинг сифат кўрсаткичларини баҳолашни меъёрлашда узлуксиз таълим тизимида кенг миқёсда қўлланилаётган талабаларга таълим бериш жараёнини баҳолашнинг рейтинг тизимига асослангандир.

Бундай ёндашувнинг ўзига хослиги шундаки, тегишлича дарсликнинг тузилиши ва мазмуни, таълим жараёни боришининг педагогик технологияларга мослиги, мустақил таълимга йўналтирилганлик ҳамда таълим натижаларини баҳолашнинг рейтинг назорати бўйича мониторинг параметрларининг барчаси аҳамиятлилиги

нуқтаи назаридан бир хил кучга эга деб қаралиб, аҳамиятлилик коэффициенти бирга тенг деб ҳисобланади. Аниқроғи, мониторинг параметрларининг аҳамиятлилиги даражасига бир хил муносабатда ёндашган ҳолда уларни статистик таҳлилий баҳолашга объективлик ва илмий асосланганлик нуқтаи назардан тўғри ёндашилганликни тасдиқлайди.

Назарий ва амалий экспертиза мезонлари мазмунан узвий, ўзаро яқин ва диалектик боғланган бўлса-да, уларни баҳолашда инсон омили - педагог, етакчи эксперт, ўқувчи-талабалар томонидан турли ёндашувлар асосида олиб борилади. Хусусан, уларнинг билим савиялари, ма-

Hurmatli jurnalxonlar!

Kasb-hunar ta'limi tizimiga innovatsiyalarni keng tatbiq qilish, ta'lim tizimida yangi ta'lim texnologiyalarini joriy etish va approbatsiyadan o'tkazish orqali uni takomillashtirish, mavjud metodik ishlanma va tavsiyalarni ommalashtirish, yosh o'qituvchilar uchun tajriba almashish imkoniyati yaratish maqsadida jurnalda "Tajriba maydoni" rukni tashkil qilindi. Unda ta'lim-tarbiya jarayonini takomillashtirish, nazariy va amaliy mashg'ulotlarni samarali tashkil etishga qaratilgan metodik tavsiyalar, shuningdek, kasb-hunar ta'limi fidoyilari, tajribali pedagog-o'qituvchilar haqida materiallar berib boriladi.

Shu o'rinda tahririyat barchani o'zaro hamkorlikka taklif etib, mazkur rukn uchun materiallar yuborishingizni so'rab qoladi.

Jurnalning ushbu sonida Buxoro irrigatsiya, melioratsiya va arxitektura kolleji maxsus fan o'qituvchisi G.Narziyeva tomonidan ishlab chiqilgan "Veterinariya" fani bo'yicha amaliy mashg'ulotning o'qitish texnologiyasi hamda kasb-hunar ta'limi tizimining iqtidorli o'quvchilari, "Zulfiya" nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari haqida material yoritilmoqda.

Jurnal tahririyati



Г. Нарзиева

“ҲАЙВОН ОРГАНИЗМИНИНГ ОРГАНЛАР СИСТЕМАСИНИ ЎРГАНИШ”

мавзуси бўйича ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси

Г. НАРЗИЕВА

Бухоро ирригация, мелиорация ва архитектура коллежи махсус фан
ўқитувчиси

Аннотация. Қуйида тақдим этилаётган ўқув машғулотининг технологик харитасида мавзу доирасида ўқитувчи ва ўқувчининг фаолият мазмуни атрофлича ёритиб берилган. Ўқитиш технологияси моделидан барча фан ўқитувчилари методик ёрдам сифатида фойдаланишлари мумкин. Амалий машғулотлар ҳамиша кўзланган натижага эришиш, билимни чуқурроқ эгаллашда олдинги ўринларда туради.

Таянч сўзлар: Сут эмизувчи, жарроҳлик асбоблари, машғулот, қафас, жарроҳлик столи, жарроҳлик лампаси, бинт, устара, спирт, ухлатувчи дорилар, фиксация, блокада.

Аннотация. Ниже приведено технологическое руководство по содержанию обучения, которое может быть использовано в качестве методологической помощи для всех преподавателей в модели обучающих технологий, что хорошо иллюстрируется содержанием преподавателя и ученика. Практические шаблоны всегда находятся в авангарде достижения желаемых результатов, более глубокого обучения.

Ключевые слова: молочная моль, хирургические инструменты, упражнения, клетка, хирургический стол, хирургическая лампа, повязка, доспехи, алкоголь, снотворное, фиксация, блокада.

Annotation. Below is a technological guide on the content of education, which can be used as a methodological aid for all teachers in the model of educational technologies, which is well illustrated by the content of the teacher and student. Practical patterns are always at the forefront of achieving the desired results, more in-depth learning.

Key words: milk mole, surgical instruments, exercises, cell, surgical table, surgical lamp, dressing, armor, alcohol, sleeping pills, fixation, blockade.

Машғулот учун ажратилган вақт: 6 соат	Ўқувчилар сони: 30 та (камроқ бўлиши ҳам мумкин)
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	Амалий: амалиётга билимларни йўналтирувчи машғулот
Ўқув машғулотининг режаси ва тузилиши	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сут эмизувчи ҳайвонларнинг органлар системаси. 2. Жарроҳлик асбоблари ва улар билан ишлаш қоидалари. 3. Қуён организмнинг органлар системасини морфологик ва анатомик тузилишини ёриб ўрганиш.

Ўқув машғулотининг мақсади: қуён организмида органлар системасининг тузилиши ва уни жарроҳлик йўли билан ўрганиш кўникмаларини шакллантириш	
<p>Педагогик вазифалар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Сут эмизувчи ҳайвонлар организмининг органлар системаси ва унинг жойлашишини тушунтириш. 2. Жарроҳлик асбоблари ва улар билан ишлаш қоидаларини тушунтириш. 3. Қуён организмида органлар системасининг морфологик ва анатомик тузилишини жарроҳлик йўли билан ўргатиш. 	<p>Ўқув фаолияти натижалари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳайвон организмининг органлар системаси ва унинг жойлашувини айтиб беради; 2. Жарроҳлик асбоблари ва улар билан ишлаш қоидаларини айтиб берадилар. 3. Қуён организмида органлар системасининг морфологик ва анатомик тузилишини жарроҳлик йўли билан кўрсатиб берадилар.
Ўқитиш методлари	Машқ, йўриқнома бериш, кўрсатиш, намойиш.
Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари	Оммавий, жамоавий, гуруҳли
Ўқитиш воситалари	Ёзув тахтаси, йўриқли-технологик харита, жарроҳлик асбоблари, жарроҳлик столи, қуён
Ўқитиш шароити	Ветеринария ўқув лаборатория хонаси
Қайтар алоқанинг усул ва воситалари	Тезкор сўров, оғзаки сўров

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	ўқувчилар
Мавзуга кириш (10 дақ.)	<p>Ташкилий қисм</p> <p>1.1. Ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлик жараёни ва давоматини текширади</p> <p>Мақсад ва вазифанинг белгиланиши</p> <p>1.2. Мавзунини эълон қилади. Мавзу бўйича вазифаларни тушунтиради.</p> <p>1.3. Ўқувчиларни баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова).</p>	Эшитади, кузатади
Асосий босқич (250 дақ.)	<p>Ўқувчилар билимини фаоллаштириш</p> <p>2.1. Ҳар бир ўқувчининг назарий билимларини баҳолаш учун оғзаки саволлар беради (2-илова). Жавобларни қабул қилади, кириш йўриқномасини беради.</p> <p>Кириш инструктажи</p> <p>2.2. Ўқувчиларни махсус белгилар асосида 3 та кичик гуруҳларга бўлади. Гуруҳларда ишлаш қоидасини эслатади.</p>	<p>Жавоб беради</p> <p>Гуруҳларга бўлинадилар</p>

Асосий босқич (250 дақ.)	<p>2.3. Ўқув топшириқ мазмуни билан таништиради ва тезкор сўров орқали ўқувчилар билими такрорланади (3-илова). Йўриқли-технологик харитани тарқатади (4-илова).</p> <p>2.4. Меҳнат муҳофазасига тўлиқ амал қилиш ва ишни бажариш қоидалари юзасидан йўриқнома беради (5-илова) ва жарроҳлик асбоблари билан таништиради (6-илова).</p> <p>2.5. Ишни бошлашга рухсат беради.</p> <p style="text-align: center;">Жорий инструктаж</p> <p>2.6. Ўқувчиларнинг бажараётган ишларини кузатади. Гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг вазифасини ойдинлаштиради, зарур ҳолатларда уларга маслаҳат беради.</p> <p>2.7. Камчиликка йўл қўйган ўқувчиларга камчиликни бартараф этиш йўллари кўрсатади.</p> <p style="text-align: center;">Яқуний инструктаж</p> <p>2.8. Ҳар бир ўқувчининг бажарган ишларини қабул қилади. Бажарилган ишлардаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатади.</p>	<p>Диққат билан тинглайдилар. Жарроҳлик асбоблари билан ишлаш қоидаларига риоя қилдилар.</p> <p>Гуруҳ аъзолари ўзларига тегишли вазифаларни амалга оширадилар.</p>
Яқуний босқич (10 дақ.)	<p style="text-align: center;">Машғулот яқуни</p> <p>3.1. Мавзу бўйича яқун ясади. Ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилади, хулосалайди ва баҳолайди.</p> <p style="text-align: center;">Уйга вазифа бериш</p> <p>3.3. Уйга вазифа ва уни бажариш учун тавсиялар беради (7-илова).</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Ёзиб оладилар</p>

Янги мавзунинг кўргазмали дидактик материаллари

1-илова

Гуруҳ ишини баҳолаш кўрсаткичи ва мезони

Гуруҳлар	Ишнинг аниқ ва тўлиқ бажарилиши 0 – 5 балл	Ишнинг чала ва камчиликлар билан бажарилиши 0 – 5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0–5 балл	Жами балл
1				
2				

Изоҳ: 15-13 балл – «аъло», 12-10 балл – «яхши», 9-6 балл – «қониқарли».

2-илова

Саволлар

1. Сут эмизувчи ҳайвонлар организмининг морфологик ва анатомик тузилишини айтиб беринг?
2. Фиксация қилиш деганда нимани тушунасиз ва у қандай амалга оширилади?





3-илова



Тезкор сўров

1. Куённинг органлар системасига қайси органлар киради? қандай жарроҳлик асбобларидан фойдаланилади?
2. Амалий машғулотни бажариш учун

4-илова

Йўриқли технологик харита

№	Бажариладиган ишлар мазмуни	Асбоб ва жиҳозлар	Ишларни бажариш тартиби	Эскиз ва расмлар
1	Куёнинг ички органларини жарроҳлик йўли орқали кўриш	Майда ҳайвонлар учун қафас, жарроҳлик столи, жарроҳлик лампаси, жарроҳлик асбоблари, куён	Техника хавфсизлиги ва шахсий гигиена ҳақида тушунтирилади. Майда ҳайвонлар учун мўлжалланган қафасдан куён олиниб, жарроҳлик столига ётқизилади.	
2	Куённи операцияга тайёрлаш	Жарроҳлик столи, жарроҳлик лампаси, жарроҳлик асбоблари, куён, бинт, устара, спирт, ухлатувчи дорилар	<ol style="list-style-type: none"> 1. Фиксация қилинади, оёқ ва қўллари бинт ёрдамида жарроҳлик столига боғланади (операция жараёнида ҳалақит бермаслик учун). 2. Қорин қисми яъни жарроҳлик майдони тайёрланади. 3. Устара ёки қайчи ёрдамида қорин бўшлиғининг жуни олинади. 4. Спирт пахта ёрдамида жуни олинган жойга суртилади. 5. Шприц ёрдамида ухлатадиган ёки оғриқ сездирмайдиган дорилар ёрдамида жарроҳлик майдони блокада қилинади. 	  

3	Куённи операция қилиш	Жарроҳлик асбоблари	Техника хавфсизлиги ва шахсий гигиена ҳақида тушунтирилади. Майда ҳайвонлар учун мўлжалланган қафасдан куён олиниб жарроҳлик столига ётқизилади.	
4	Операция жараёнини тугатиш	Жарроҳлик асбоблари, тикувчи иплар, йод, бинт, пахта	<ol style="list-style-type: none"> 1. Фиксация қилинади, оёқ ва қўллари бинт ёрдамида жарроҳлик столига боғланади (операция жараёнида ҳалакит бермаслик учун). 2. Қорин қисми яъни жарроҳлик майдони тайёрланади. 3. Устара ёки қайчи ёрдамида қорин бўшлиғининг жуни олинади. 4. Спирт пахта ёрдамида жуни олинган жойга суртилади. 5. Шприц ёрдамида ухлатадиган ёки оғриқ сездирмайдиган дорилар ёрдамида жарроҳлик майдони блокада қилинади. 	

5-илова

Меҳнат муҳофазаси ва ишни бажариш юзасидан йўриқнома

Шахсий гигиена қоидаларига амал қилинг;
Халат, бир марталик қўлқоплар, маска, бош кийимларни кийиб
олинг;
Меҳнат ва техника хавфсизлигига риоя қилинг.



Жарроҳлик асбобларини жарроҳликга тайёрланг;
Қуённи жарроҳликга тайёрланг;
Жарроҳлик майдонини тайёрланг.



Қуённи фиксация қилинг;
Йўриқли технологик харита асосида вазифани бажаринг;
Электр токидан фойдаланганингизда эҳтиёт бўлинг;
Иш нихоясида иш жойини тартибга келтиринг.

6-илова

Жарроҳлик асбоблари

7-илова

Уйга вазифа ва уни бажариш учун тавсиялар

Кейинги мавзунини ИНСЕРТ техникаси ёрдамида ўқиб келиш;
Амалий машғулотни бажариш тартиби асосида ҳисобот ёзиш.

Амалий машғулотдан лавҳалар



Эксперт хулосаси: Ўқитувчи-технолог томонидан “Хайвон организмнинг органлар системасини ўрганиш” мавзуси бўйича ўқув машғулотининг ўқитиш технологиясини лойиҳалаш ва режалаштириш юқори даражада бажарилган.

Ишнинг устунлик томонлари:

1. Мақсаднинг белгиланиши. Ўқув машғулотининг таълимий мақсадлари ва ўқувчиларнинг ютуқ натижалари бир маънода ва феъл шаклида тўғри ифодаланган.

2. Ўқитишнинг усул ва воситаларининг танланиши. Ушбу машғулот учун белгиланган таълим мақсадига эришишнинг самарали, энг мақбул усул ва воситалари танланган.

Мавзунини тўлиқ ёритиш мақсадида тайёрланган йўриқли технологик харита мукаммал тайёрланган бўлиб, материални тўлиқ ўзлаштиришга имкон яратади.

3. Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакли: оммавий, жамоавий, гуруҳларда тўғри танланган бўлиб, ҳамкорликда ишлаш тамойилларига риоя қилинган.

4. Қайтар алоқанинг усул ва воситалари: савол-жавоб ва тезкор сўровдан фойдаланилган.

Ўқув машғулотининг технологик харитасида ўқитувчи ва ўқувчининг фаолият мазмуни атрофлича ёритиб берилган.

ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ



Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежи 2-босқич ўқувчиси Абдуллаева Висола Убайдулла қизи 2000 йил 10 июлда Жиззах шаҳрида туғилган. 2016 йил Жиззах шаҳридаги 6-умумтаълим мактабини битириб, Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежининг Компьютер ва дастурий инжиниринг йўналиши, дастурий инжиниринг техниги мутахассислиги йўналишига ўқишга қабул қилинди.

Висоланинг спортга бўлган қизиқиши ёшлигидан ўзгачадир, У спортнинг енгил атлетика тури бўйича мунтазам шуғулланиб, мураббийлари кўрсатмаларига амал қилиб келади. Шу кунгача вилоят ҳамда республикада спортнинг ушбу тури бўйи-

ча ўтказилган кўпгина мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ютуқларга эришиб келмоқда. Жумладан, 2013 йил 15-16 февраль кунлари Тошкент шаҳрида 2000-2001 йил туғилган қизлар ўртасида ташкил этилган Ўзбекистон чемпионати мусобақаларида кумуш ва олтин медал соҳиби, 2014 йил 12-13 март кунлари Қарши шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати мусобақаларида кумуш ва бронза медаллари, 2015 йил Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионати беллашувларида 2 маротаба 2-ўрин, 2 маротаба 3-ўринни эгаллаган. 2015 йи 29-сентябрь куни Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтказилган чемпионатда 3-ўринни, 2017 йил Жиззах шаҳрида ўтказилган “Баркамол авлод-2017” спорт мусобақаларининг Республика босқичида терма жамоа сафида иштирок этиб, олтин ва кумуш медалларни қўлга киритди.

Енгил атлетикачи қиз қўлга киритган муваффақиятлари, мактаб ҳамда коллежда эгаллаган билимлари натижасида Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлишга муяссар бўлди.

Висола Абдуллаева эришган ютуқлари билан чекланиб қолмасдан ҳамisha ўз устида шуғулланиб янада кўпроқ ютуқларни қўлга киритиш, барча қийинчиликларни енгиб, олимпиада чемпиони бўлиб, Ўзбекистон байроғини янада юқорида кўтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Жиззах транспорт алоқа коллежи жамоаси Висоланинг доимо мақсадларига эришишида улкан парвозлар тилайди.

Б.Шомирзаев,
Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

* * *



Неъматова Ўғилой Ақром қизи Қашқадарё вилояти Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг ўқувчиси.

1998 йилда Китоб туманида туғилган Ўғилой ёш бўлишига қарамай адабиётнинг назм ва наср жанрида самарали ижод қилади. Унинг 2012 йил Тошкент шаҳридаги “Тафаккур” нашриётида чоп этилган “Куртакларда уйғонган баҳор” шеърий тўплами ва “Сирли қутича” номли илк насрий китоби адабиёт ихлосмандларига тақдим этилди.

2013 йилда “Янги авлод орзуси”, “Дилдошларим” шеърий китоблари пойтахтдаги “Янги нашр” нашриётида чоп этилиб, китобхонларга тақдим этилди.

2013 йилда “Шарқ маданияти” жамияти томонидан ташкил этилган танловнинг Дипломи, “Энг улуғ, энг азиз” анъанавий танловининг вилоят босқичида 3-ўринни

эгаллагани учун Дипломи, “Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун” шиори остидаги “Камалак” болалар ташкилотининг XII анжуманида аъло ўқиши, жамоат ишларида фаол иштироки учун сертификат ҳамда Фахрий ёрлик билан тақдирланди.

2014 йилда “Озод юрт болалари” танловида фаол иштироки учун Фахрий ёрлик, “Юрт келажаги” иқтидорли ёшлар танловининг вилоят босқичида ғолиблик дипломи, Республика босқичида фаол иштироки учун сертификатни қўлга киритди.

Ўғилой Неъматова Халқаро UNFPA ташкилотининг “Соғлом ёшлар” ресурси томонидан ўтказилган семинарда ҳам муваффақиятли иштирок этди.

2014 йил “Тафаккур қаноти” нашриётида чоп этилган “Кулаётган офтоб” номли шеърий китоби инглиз тилини ўрганаётган болажонлар учун ажойиб совға бўлди.

2015 йилда ўтказилган “Юрт келажаги” танловининг республика босқичида ҳам назм йўналиши бўйича ғолиблик ёш ва иқтидорли қизалоқ Ўғилой Неъматовага насиб этди.

2016 йилда “Маҳалланинг энг ораста қизлари” кўрик танловининг Республика босқичида гуруҳ сардори сифатида муваффақиятли иштирок этиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган.

Қашқадарё воҳасининг билимга чанқоқ қизалоғи ўз билимларини чет мамлакатларда намойиш қилишга ҳам улгурди. 2016 йилда Франциянинг Париж шаҳрида “Запад и дипломатия Амира Темура” мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда Ўғилойнинг иштирокидан ажодлар руҳи ҳам шод бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Конференция таассуротлари натижасида дунёга келган Соҳибқирон Амир

Темурнинг шонли ҳаётига бағишланган “Мангу ёғду” шеърӣй достони 2016 йилда китоб шаклида чоп этилди.

Ёш бўлишига қарамай ўз айтар сўзи, танлаган йўли, билим ва маҳоратига эга Нейматова Ўғилой Ақром қизи 2017 йил Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси бўлиш учун ўтказилган беллашувда Адабиёт йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Ўғилой Нейматова эришган ютуқлари билан чекланиб қолмай, ҳамиша ҳаракатда. У коллежда ташкил этилган “Ёш

қаламкашлар” тўғарагининг сардори. “Соғлом ёшлар” марказининг тренери, “Ораста қизлар” тўғарагининг энг фаол тарғиботчиси ва коллеж деворий газетаси муҳаррири сифатида ҳам фаолият олиб боради.

У спортнинг теннис, шахмат, шашка турлари билан шуғулланади, дизайнерлар ишига ҳам қизиқади. Уйда гул ўстириш ва парваришlash жону дили.

Инглиз ва рус тилларини чуқур ўзлаштирган, айна пайтда француз тилини ҳам ўрганмоқда.

* * *



Қашқадарё вилояти Китоб иқтисодиёт ва хизмат касб-хунар коллежида иқтидорли ёшлар кўплаб топилади. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2018 йилда

таълим йўналиши соҳибаси, коллежнинг 3-босқич ўқувчиси Нейматова Юлдуз Қосим қизи 2000 йил 9 сентябрда Китоб туманида туғилган. Болалигиданоқ билимга чанқоқ қизалоқ ўзининг қизиқувчанлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турарди. Тинимсиз ўқиб-изланувчи Юлдуз турли хил мусобақаларда ўз билимини синаб кўришни ҳам жуда эрта бошлади. 2010-2013 йилларда «Билимлар беллашув» кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли ўринларни эгаллаган.

2014 йил Халқаро математика фан олимпиадасининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб, Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Бу ерда ҳам ўз иқтидорини намоён эта олган Юлдуз Нейматовани Ўзбекистон Республикаси терма жамоасига саралаб олинди.

2014 йил 21-26 июль кунлари Жанубий Корея Давлатининг Дейжон шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро фан олимпиадасида қатнашиб, яқка тартибда махсус сертификат ва жамоавий бахсда 2-ўринни эгаллаб кумуш медал совриндори бўлди.

2015 йилда вилоят Фан олимпиадасида математика фани бўйича иштирок этиб фахрли ўринни кўлга киритди.

“Истиклол фарзандлари” ёшлар фестивалининг фаол иштирокчиси.

Юлдуз Нейматова билимларини мусобақаларда намоёни этиш билан бирга ўз кизиқишлари, илмий қарашлари, фикр-мулоҳазаларини илмий мақола ва тезисларда ҳам баён этиб боради. Хусусан, 2013 йилда “Араб рақамларининг келиб чиқиш сирлари”, “Кўпҳадни кўпайтувчиларга ажратишнинг бир неча усуллари” ҳамда 2014 йилда “Тўртбурчаклар” мавзусидаги илмий мақолалар ва рефератларни тайёрлаб, фойдаланувчиларга тақдим этди.

”Физика, математика, информатика”

номли илмий услубий журналида “Корея Республикасида ўтказилган Халқаро математика мусобақаси” ва “Хитой халқ Республикасида ўтказилган Халқаро математика мусобақаси” тўғрисида илмий мақолалари чоп этилган.

2017 йилда Ислоом Каримов номидаги Тошкент техника университети нашри ҳисобланган илмий-методик журналда “Сонларнинг бўлиниш назарияси” ва “Физика фанини ўқитишда интегратив ва тизимли технологияларнинг қўлланилиши” номли илмий мақолалари нашрдан чиқди.

У спортнинг шахмат тури билан мунтазам шуғулланади. Инглиз тилини яхши ўзлаштирган.

Хавас қилса арзигулик тенгдошларимиз. Висола Абдуллаева, Ўғилой Нейматова, Юлдуз Нейматова... Бу рўйхатни узоқ давом эттиришимиз мумкин. Биламизки, ён атрофимизда буюк аждодларимизга муносиб иқтидорли, ҳаракатчан, тиришқоқ ёшларимиз кўплаб топилади. Сиз уларни танисангиз, бизга хабар беринг. Уларнинг иқтидорларидан бошқалар ҳам хабардор бўлишсин, уларга ҳавас қилиб, уларга эргашишсин.

“Энг яхши инновация муаллифи” кўрик-танловидан фотолавҳалар





Ulug' yoshingiz muborak bo'lsin



Muhtaram Ustozlar!

Sizlarni qutlug' tavallud ayyomingiz, muborak yoshingiz bilan chin yuraqdan samimiy qutlaymiz!

Sizlarga uzoq umr, mustahkam sog'liq, barakali va fayzli hayot tilaymiz!

*Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi
Kasb-hunar ta'limi markazi jamoasi,
"Kasb-hunar ta'limi" jurnali tahririyati*

Muqovaning birinchi betida "Eng yaxshi innovatsiya muallifi" ko'rik tanlovi g'oliblari fotosurati berilgan: chapdan o'ngga Latipova Muxayyo (Farg'ona neft va gaz sanoati kasb-hunar kolleji), Siddiqova Sadoqat (Buxoro neft va gaz sanoati kasb-hunar kolleji), Shakarova Feruza (Samarqand avtomobilsozlik kasb-hunar kolleji), Mirahmedova Sojida (G'azalkent xizmat ko'rsatish va iqtisodiyot kasb-hunar kolleji).

Hurmatli jurnalxonlar!

“Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyati sizni o’zaro hamkorlikka taklif etadi.

Jurnal sahifalarida kasb-hunar ta’limini rivojlantirishga qaratilgan ilmiy-uslubiy maqolalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, metodik tavsiyalar bilan birga ilg’or tajribalar hamda tizimda amalga oshirilayotgan ibratli ishlar va yangiliklarni yoritishingiz mumkin.

O’z ilmiy qarashlaringiz, innovatsion g’oyalar, metodik tavsiyalar, ilg’or tajribalaringizni “Kasb-hunar ta’limi” jurnalxonlari bilan bo’lishing!